ШҲТ Саммити арафасида
5-бет.

«Сарвиноз»нинг умри узунми?
Ўзига хос тасвирий ечимга бой фильм, аммо...
14-бет.

Сирли олам эркаликлари
У ақллига ўхшайди, инсон билан «ўйнашади», «ҳазиллашади», «қасос олади»...
13-бет.

2004 YIL 11 iyun, JUMA

QishloQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 76 (6.757). Sotuvda erkin narxda

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июн куни Оқсаройда Россия Федерациясининг «Россия темир йўллари» очиқ акционерлик жамияти президенти Геннадий Фадеевни қабул қилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси қатнашчиларига табрик йўллади.

● **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли ташкилот ва вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Мудофаа вазирлигига АҚШ ҳукуматининг ёрдами - техника воситалари топширилди.

● **Пойтахтимизда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

● «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими Меҳр ва мурувват йилида хайрли ишга қўл урди. Жамғарма ҳузурида ёшларнинг ахборот технологиялари асосидаги билимини ошириш мақсадида «Интекс-ёрдам» фирмаси очилди.

● **Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси очилди. Унда Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Финляндия темир йўл маъмуриятлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.**

● Юртимизда 11-15 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Хитой маданияти кунлари арафасида Пекин шаҳрида «Ўзбекистоннинг маданий мероси» мавзуида кўргазма очилди.

● **Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мусаввир Мурод Умаровнинг Меҳр ва мурувват йилига бағишланган асарлари кўргазмаси очилди.**

● Мамлакатларимиз таълим соҳаси вакилларининг ҳамкорлик алоқалари доирасида Россиядан юртимизга 259 номда қарийб 90 минг китоб тухфа этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида шу китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ИНФРАТУЗИЛМА:

Ёнилғи таъминоти дала бошида

Энг аввало бир муҳим далилни келтириб, сўнг фикрни давом эттирамиз: Сирдарё туманидаги "Малик" фермер хўжаликлари уюшмасида амалий-кўргазмали машғулот ўтказилди. "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, "Ўздавнефтгазназорат" инспекцияси раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича муовинлари, вилоят адлия бошқармаси ходимлари, фермерлар, республикамиздаги барча нефт базалари ва филиаллари директорлари, нефтни қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони, қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида чиқарилган Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Сирдарё вилоятида қандай ижро этилаётганлиги билан якиндан танишдилар. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нима сабабдан амалий кўргазмали машғулотни ўтказиш учун айнан мазкур вилоят танлаб олинди?

Юқоридаги ҳужжатларга кўра паст рентабелли ва истиқболсиз дея топилган хўжаликларни 2004-2006 йилларда тугатиб, фермер хўжаликлари ташкил этиш кўзда тутилган. Жорий йилда ана шундай хўжаликлардан 284 таси тугатилиб, экин майдонлари фермерларга бўлиб берилди. Ҳукумат қарорида бир қатор компания ва идоралар олдига муҳим инфратузилма шохобчаларини барпо этиш вазифаси қўйилган. Мини банклар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, мукобил машина-трактор парклари ва ўғит омборларини ташкил этиш белгилаб берилган. "Ўзнефтмаҳсулот" АКси зиммасига фермерларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 244 та шохобча очиш юклатилган.

Сирдарё республикамизда фермерчилик ҳаракати кенг ривожланаётган минтақалардан ҳисобланади. Бу ерда бугунги кунда Меҳнатобод, Мирзаобод, Ш.Рашидов, Оқолтин ва Сирдарё туманларидаги экин майдонлари фермерларга бўлиб берилган. Вилоятда фермерлар учун инфратузилма шохобчаларини ташкил этиш борасида республика бўйича оммалаштириш арзигулик тажриба тўпланди. Буни фермерларни ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган кўплаб шохобчалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар сони вилоят бўйича 80 дан ошди. Масалан, Гулистон нефт базаси унитар корхонаси тугатилган хўжаликларнинг 21 та ёнилғи-мойлаш шохобчаларини ўз ҳисобига қабул қилган. Қайта таъмирлаш ва қуриш ишлари белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилди. Очилган шохобчалар ҳар жиҳатдан мақбул бўлганлиги, замонавий ҳамда қулайлиги учун ҳам "Ўзнефтмаҳсулот" АКси Гулистон нефт базаси унитар корхонаси тажрибасини оммалаштириш мақсадида республика бўйича ўз тасарруфидаги барча нефт базалари ва филиаллари раҳбарларини Сирдарёга таклиф этди. Агар холис эътироф этадиган бўлсак, вилоятдаги ушбу йўналишда фермерлар учун яратилган шарт-шароит таҳсинга сазовор. Узоққа бормайлик. Биргина амалий-кўргазмали машғулот ўтказилган "Малик" фермерлар уюшмасига хизмат кўрсатувчи 55-сонли шохобчани олиб кўрайлик. У дарахтзор оралиғидаги салқин майдонга жойлаштирилган. Йўлакларда анвойи гуллар очилиб ётибди. Майдончага текис қилиб асфальт ётқизилган. Кечаси-ю кундузи ишлаш тартиби йўлга қўйилган. Ёнилғи маҳсулотлари амалдаги тартибларга жавоб берадиган ҳолда сақланмоқда. Баъзи жойларда фермерларнинг ёнилғи учун от-уловларда турли сиғимли идишларни келтириб, ёнилғи олиш учун навбатда турганларини ҳам кўрганмиз. Ширкат фаолияти анойи ҳам эмас. У ўз ҳақ-ҳуқуқини, ҳар нарсанинг паст-баландини ажрата олишни яхши билади. Камчиликлар бўлса, бу ҳақда айтишдан ҳам чўчимайди. Яратилган қулайликлар

кўрсатган даврда ушбу шохобча ҳам бундан мустасно эмасди. Катта-катта ҳажмли резервуарлар айқаш-уйқаш бўлиб ётар, шохобча ҳовлиси билч-билч мойли тупроқ билан қорайиб турарди. Энди-чи, мулк шакли ўзгарганлиги амалда ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Хозир бу ерга ташриф буюрган фермер ҳукуматимиз томонидан ўзига катта эътибор берилаётганлигини англайди. Меҳнатини қадрловчи сўзларга кўзи тушади. Эрталаб барвақт йўлга чиқиб, уйида нонушта қилишга улгурмаган бўлса, шохобча қошида ишлаб турган замонавий емаxонага кириб, тамадди қилиши мумкин. Энг муҳими, у энди аввалгидай идиш кўтариб юрмайди. Бу ерга фақат ёнилғига буюртма бергани келади. Лозим бўлган миқдорни айтади-ю, даласига кетаверади. Орқасидан ўша заҳоти шохобча қошида турган махсус ёнилғи тарқатувчи маҳсулотни фермернинг даласига элитиб, уловига қуйиб беради. Хизмат кўрсатаётган бундай ёқилғи ташиш техникалари сони бугунги кунда вилоятда 40 дан зиёд. Фермер шохобчага ўзининг тракторида мойини алмаштириш, шиналарини таъмирлаши лозим бўлганда келади. Бунинг учун ҳам шохобчаларда керакли хизмат турлари бор.

– Фермер бўлганимга анча йил бўлди, - дейди шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган "Тинибек бобо" фермер хўжалиги раҳбари Мади Тинибеков. – Тўғриси, шу вақтгача бундай қулайликларнинг шоҳиди бўлмагандим. Бугун яратилиб берилган шароит, кўрсатилаётган сифатли хизмат бизни янада унумли меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Бу сўзлар муболаға ёки кимгадир яхши кўриниш учун айтилаётган гап эмас. Мавжуд бўлган сервис хизмати учун холис миннатдорчилик. Қолаверса, бугунги фермер маъқул келмоқдаки, фермер уни холис эътироф этмоқда. Бундай имкониятлар фалқатгина Сирдарёда эмас, балки вилоятнинг ҳамма туманларида – Сайхунободда, Боёвутда, ҳатто чўл шароитли Ховос ва Меҳнатободда ҳам бир хил. Ўша куни амалий-кўргазмали анжуманнинг юзлаб иштирокчилари буни ўз кўзлари билан кўриб, гувоҳи бўлдилар. Баъзи бир вилоятлардан келган таъминловчи корхоналар раҳбарлари эса ўзларидаги ҳали қурилиши охирига етмай ётган ёнилғи қуйиш шохобчаларини кўз олдиларига келтириб, андак изза бўлаётганликлари ҳам сезилиб қолди. "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компанияси бош директори Шуҳрат Аҳмедов кенгашда вазирни қатъий қўйди: "Республика бўйича ҳамма вилоятларда фермерларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар мана шундай бўлиши керак!"

Сирдарёдаги ўша кунги амалий кўргазмали машғулотдан барча вилоятлардаги нефт базалари унитар корхоналари ва филиаллари раҳбарлари мана шундай аниқ топшириқ, хулоса ҳамда катта таассуротлар билан қайтдилар. Мана орадан бирмунча вақт ўтди. Хўш, кўргазмали машғулот жойларда қандай самара берди?

– Сирдарёлик ҳамкасбларимизнинг фермерлар учун ташкил этган инфратузилма шохобчаларини кўриб, улардан ибрат олиб қайтдик, – дейди Жиззах нефт базаси унитар корхонасининг Даштобод филиали директори Жўлибек Раҳмонов. – Ишларимизни сарҳисоб қилиб кўргач, англадикки, биз ҳукуматимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлашда улардан бир оз орқада қолган эканмиз. Дарҳол тегишли хулоса чиқариб, ишларимизни жонлантирдик. Айни вақтда тугатилган хўжаликларнинг ҳисобимизга ўтган ёнилғи қуйиш шохобчаларини тўлиқ таъмирлаб, фойдаланишга топширдик. Айримларини эса қисқа фурсатда бутунлай қайта қурдик.

Филиал директори билан Зомин ва Янгиобод туманларида бўлиб, ҳукумат қарори билан тугатилган хўжаликлар негизида янгитдан ташкил этилган фермерлар учун хизмат кўрсатувчи ёнилғи қуйиш шохобчалари қурилиши билан танишдик. Таъкидлаш керакки, бугун Зомин туманида 1325 та, Янгиободда эса 352 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга ҳақиқатдан ҳам ўтган қисқа фурсатда зарур қулайликлар яратилибди. Хусусан, Зомин туманидаги "Ўзбекистон" ва "Янги чорвадор" фермер хўжаликлари уюшмаси учун янги ёнилғи қуйиш шохобчаси барпо этилибди. Замонавийлиги ва қулайлиги билан талабларга жавоб беради. Бизга айниқса Янгиобод туманидаги Жўрахон Усмонов номли фермер хўжаликлари уюшмасининг бутунлай янгитдан қурилган ёнилғи қуйиш шохобчаси маъқул келди.

– Хўжаликнинг эски шохобчасини бир вақтлар сел оқизиб кетган, шу боис, ҳеч қандай шароит йўқлиги учун челаклаб ёнилғи тарқатилар эди, – дейди оператор Шавкат Тўйимов. – Филиалимиз раҳбарияти қисқа даврда ушбу янги шохобчани қуриб берди.

ФЕҚШ – катта йўлнинг шундоққина ёнбошида барпо этилибди. Чор-атрофнинг кенг дала эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу замонавий иншоот қишлоқда ўзининг кўркамлиги билан кўзга ташланиб турибди. Уюшмада 52 нафар фермер бор. Улар учун ёнилғи таъминотида энди ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Вилоятнинг Бахмал, Галлаорол ва Жиззах туманларидаги ҳукумат қарори билан тугатилган хўжаликларда барпо этилаётган шохобча қурилишлари ҳам эндиликда ниҳоясига етказилибди. Улар ўзаро таққосланганда, Сирдарёдагидан фарқ қилмайди. Баъзи бирларининг лойиҳаси, кўриниши янада мукаммалроқ, таассурот беради. Мана сизга биргина кўргазмали машғулотнинг амалий натижаси. Мутахассислар амалга оширилаётган ушбу ишларда "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компаниясининг Нефт базалари, АЕҚШлардан фойдаланиш ва қуриш бўлими бошлиғи Бобоназар Жумаевнинг катта ҳиссаси бўлаётганлигини таъкидлашмоқда. Бобоназар ака хизмат сафари билан тез-тез жойларда бўлиб, қурилиш бўйича зарур ёрдам ва қимматли маслаҳатларини бермоқда.

–Сирдарёда бўлганимизда ҳамкасбларимизнинг шохобчалар қошида фермерлар учун қўшимча хизмат кўрсатиш тармоқларини ҳам ташкил этганлиги жуда маъқул келганди, - дейди Дўстлик нефт базаси унитар корхонаси раҳбари Алишер Қорабеков: – Эндиликда биз ҳам ФЕҚШлар қошида техника шиналарини таъмирлаш ва мой алмаштириш хизматларини ташкил этишни режалаштираяпмиз. Бу борада хозирданоқ баъзи амалий ишларимиз бор.

Тўғрисини айтганда, Дўстлик нефт базаси жамоаси ҳукумат қарори ижросини таъминлашда бир оз орқада эди. Сирдарёдаги амалий машғулотдан сўнг бу ерда ҳам шохобчаларни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари тезлашди. Айни вақтда уларнинг кўпи тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунга Дўстлик, Пахтакор ва Мирзачўл туманларидаги ФЕҚШларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар қисқа фурсатда замонавий лойиҳалар асосида қурилиб, фермерлар ихтиёрига берилибди. Баъзи туманлардаги шохобчалар қурилишида юз бераётган сусткашликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Дўстлик нефт базасининг "Иржар" филиали фаолиятида мана шундай ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ерда таъмирлаш ишлари чўзилиб кетган. Филиал бош муҳандиси Бахтиёр Шириновнинг гаплари амалдаги ишларга у қадар мос эмас. Қурилиш муддати кечикаётгани ҳисобига шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда ва бу билан иш сифатига путур етяпти. Ўрни келганда яна бир мулоҳазани таъкидлаш жоиз. Сирдарёда фермерлар учун инфратузилма шохобчаларини барпо этишга кўплаб туман ҳокимлари ҳам алоҳида масъулият билан ёндашганлар. Улар лозим бўлганда шохобчалар қурилишига фермерлар бошини қовуштириб, ҳашарлар уюштиришган. Ва бугунги ҳавас қиларли мавжуд қулайликларнинг юзага келишини таъминлашган.

Жиззах вилоятида баъзи туман ҳокимларининг фермерлар учун инфратузилма шохобчаларини бунёд этишга амалий ёрдамлари сезилмаяпти. Фақат талаб қилиш йўлини тутмасдан зарурат бўлганда кўмак беришни ҳам ўйлаш керак. Ҳар бир туманда ўзининг моддий аҳволини ўнглаб олган фермерлар бор. Улар ҳеч бўлмаса шохобчалар қурилиши учун ихтиёрларида мавжуд бўлган, бугун катта эҳтиёж сезилаётган техникалар билан ёрдам берсалар яхши бўларди. Зеро, барча саъй-ҳаракатлар фермерларнинг эртанги истиқболларини кўзлаб қилинмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЖАРАЁН

Мақсад имкониятдан фойдаланиш

Айни пайтда мамлакатимизда бешта партия фаолият юритмоқда. Маълумки, сиёсий партия умумий ғоя ва манфаат, ижтимоий – сиёсий мақсадлар асосида инсонларни ўз атрофида жипслаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар қандай партия сиёсий майдонга чиқар экан, аввало, ана шу майдонда ўз ўрнини топа билиши лозим. Бунда эса уларнинг халқ билан ишлаши, ўз дастури асосида халқ манфаатини қамраб олишлари муҳим омилдир.

Шу йилнинг охирида партиялар ҳаётида муҳим воқеа - сайловлар кутилаяпти. Айтиш жоиз, бунга ҳар бир партия жиддий тайёргарлик кўриб, тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Фуқаролик жамиятини Ўрганиш институтида уюштирилган "Партиянинг сайловолди платформаси" мавзусидаги республика партияларо семинар-тренингни ҳам худди ана шу жараён доирасидаги тадбир, деб айтиш мумкин. Унда партиялар платформасини ишлаб чиқиш, кенг сайловчилар оммасини партиялар фаолиятининг устувор йўналишларига жалб қилиш, аҳоли фаоллигини ошириш каби масалалар билан бир қаторда ижтимоий муаммолар, аҳолининг турли қатламларига кириб бориш борасида қилинадиган ишлар ҳам бисёрлиги таъкидланди.

Масалан, "Миллий Тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси Иброҳим Ғафуровнинг айтишича, сиёсий партияларнинг заиф томони ўз қиёфасини, кучли ғояларини халққа теран ва аниқ етказиб бера олмаётганлиги.

Албатта, сайловларда партияларнинг қанчалик муваффақиятли иштирок этиши ҳамда сайловчилар ишончига эришиши ҳар бир партия учун жуда зарур. Партияларимизнинг ўз дастурлари асосида бажараётган ишлари мамлакатимиз манфаатига хизмат қилаяпти, деб айтиш мумкин. Ўртадаги рақобат ҳам шу йўналишлар асосига қурилгандир.

Хуллас, булажак сайловлар партияларимиз учун имконият яратиб беради. Бу имкониятлар уларнинг сиёсатдаги ўрнини эгаллашларида замин бўлади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.

Фермер ишчини қандай ишлатади?

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида, жумладан кам рентабелли самарасиз фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалигига айлантириш жараёнида ушбу соҳада банд бўлган кўплаб кишиларнинг ишсиз қолиши жараёни кузатилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди

Унда фермерлар ёлланма ходимлар (жумладан, оила аъзолари) ўртасидаги меҳнат муносабатларини меҳнат шартномалари асосида шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш мақсадида, қўшимча иш ўринлари ташкил этиладиган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш масалалари белгиланган.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш аграр ислоҳотлардаги асосий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476-сонли қарорида "Фермер хўжалигига ходимларни ёллаш тўғрисидаги Намунавий шартнома" ишлаб чиқилиб, хўжаликдаги ёлланма меҳнат муносабатлари ушбу шартномага мувофиқ ҳуқуқий тартибга солиниши тавсия этилган.

Фермер хўжалигидаги иш тартибини хўжалик бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Фермер хўжалиги бошлиғи хўжалик аъзоларининг ва хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул тарзида ҳам, натура тарзида ҳам амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

ҲУҚУҚ

Фермер хўжалигининг аъзолари, шунингдек, хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим. Ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Шартномада ходимнинг ва иш берувчининг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, ушбу қоидалар амалдаги меҳнат қонунчилигига асосланган.

Меҳнатга ҳақ тўлашда белгиланган иш ҳажми бажарилган тақдирда ходимга ҳар ой маълум миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда) меҳнат ҳақи берилиши шартномада кўрсатилади. Ходимга ҳар йилги асосий меҳнат таътили камида 15 иш куни миқдорида ва қўшимча меҳнат таътили белгиланади.

Айтишимиз мумкинки, фермер хўжалигида меҳнат муносабатларини тартибга солишда республикамиздаги меҳнат қонунчилиги қоидалари қўлланиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Бироқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, яъни мавсумийлиги, фермер хўжалиги оилавий ишлаб чиқаришга асосланганлиги учун ҳам аёллар ва вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишнинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигидаги имтиёзларни хўжалик меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда тўғридан-тўғри қўллашда зарурий тавсияларга эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида фермер хўжаликларида меҳнат шартномалари асосида меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича тавсияларни 2004 йил биринчи чорак мобайнида ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлса-да, тегишли ташкилотлар томонидан ҳалигача бу вазифа етарлича бажарилгани йўқ. Бизнингча, қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш давр талабидир.

Бахтиёр ТОЖИЕВ

ГАЛЛА:

Мисқоллардан уюлур хирмон

Бугун Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари далаларида галла ўрими уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

МАВСУМ

Олинган маълумотларга қараганда, республикамизда жами 1 миллион 373 минг гектар майдонга галла экилган бўлиб, шундан 290 минг гектари лалми ерларда. Кутилаётган ҳосил оз эмас, кўп эмас 5 миллион тонна. Мавсумда жами 3807 та ўрим-йиғим комбайнилари қатнашади, шундан 1956 таси юқори унумли. Шунингдек, 13186 та юк автомобиллари, 12607 та тиркамали тракторлар жалб этилади. Хуллас, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

Информация о существенных фактах ОАО "Osiyo food"

Сообщение 09 – Решение общего собрания
вид общего собрания - отчетная
место проведения – г.Ташкент, ул.Чиланзар, 26
форма проведения – очное
дата проведения – 14.05.2004 г.
кворум – – 27847 штук, 87,4% голосующих акций

ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ ПОСТАНОВИЛО:

1. Заслушав отчет Наблюдательного совета по итогам работы за 2003 г. утвердить протоколы Наблюдательного совета за №1, 2, 3, 2003-2004 год

2. Утвердить отчеты ревизионной комиссии, аудитора общества о финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 г.

3. Утвердить годовой бухгалтерский баланс и счета прибылей за 2003 год.

4. Создать Совместное предприятие на базе макаронного цеха.

5. Утвердить состав членов Наблюдательного совета общества.
1) Исмаилов А.
2) Маликов Ф.Л.
3) Маликов Ф.Л
4) Юсупов С.
5) Юлдашбаев С.

6. Утвердить состав членов Ревизионной комиссии общества.
1) Аширбаева Ф.
2) Каримов З.
3) Исмаилов Р.

7. Утвердить кандидатуру Хашимова М.М. исполнительным директором общества на 2004 финансовый год.

8. Вопросы по утверждению:
1) Годового бизнес-плана на 2004 год.
2) Аудиторской организации на 2004 финансовый год и предельного размера ее услуг.
3) Распределения прибыли и выплаты дивидентов по итогам 2003 г.
4) Внесение изменений и дополнений в Устав общества.
5) Положений общества в новой редакции.

Предварительно проработать данные вопросы на Наблюдательном совете и вынести на внеочередное общее собрание акционеров.

9. Исполнительному органу принять решения общего собрания акционеров к исполнению.

Сообщение 10 – Изменения в персональном составе должностных лиц

Решением Общего собрания акционеров от 14.05.2004 г. избран новый состав Наблюдательного совета и единоличный исполнительный орган.

Список аффилированный лиц ОАО "Osiyo food"

№	Ф.И.О.	Занимаемая должность	Кол-во акций	% в Уф
1	Маликов Фотих Л.	Председатель Наблюдательного совета	3124	9,87
2	Юсупов С.	Член Наблюдательного совета	-	-
3	Исмаилов Анвар	Член Наблюдательного совета	50	0,17
4	Юлдашбаев С.А.	Член Наблюдательного совета	130	0,4
5	Маликов Фархад Л.	Член Наблюдательного совета	1676	6,1
6	Хашимов М.М.	Исполнительный директор общества	5	0,01
7	ООО "Savdo prevat"		8390	25,0
8	ООО "Agro Sarmoya"		10341	30,8
9	Маликов Ш.Ф.		2359	7,9
10	Маликова Т.		1600	4,7

Наблюдательный совет ОАО "Osiyo food"

Чой етиштириш мумкинми?

Икки киши ногаҳон учрашиб қолса бас "келинг, бир пиёла чой ичамиз", дейди. Дарҳақиқат, халқимиз чойни бутун йил бўйи истеъмол қилади. Лекин унинг қандай етиштирилишини ҳамма ҳам билавермайди. Чой деса кишилар кўз ўнгига Хитой, Ҳиндистон ёки Грузия келади. Аслида чойни ўзимизда ҳам етиштирсак бўларкан. Бунга асос ҳам бор. Ўрта Осиё деҳқончилик институти олимларидан Е.Н.Михайлова маълумотига қараганда, республикамизда чой илк бор 1934 йилда Тошкент яқинидаги Доналиш қишлоғида экилиб биринчи йилдаёқ 90 килограмм чой барги териб олинган.

Кейинчалик ўсимликларни географик иқлимлаштиришга биноан бу экинни Грузия ва Озарбайжон республикаларида экиш режалаштирилиб, юртимизда илмий ишлар олиб борилмаган.

Мутахассисларнинг фикрича, чой ичган одамнинг асаблари тинчланиб, руҳий дам олади, ўзини тетик ҳис этади.

Чой биологик хусусиятига кўра субтропик экинлар гуруҳига мансуб бўлиб, республикамизнинг кўпгина вилоятларида ўстириш мумкин. Унинг жой танламаслигини ҳисобга олсак, кўпайтириш осон. Маълумотларга қараганда, 1967 йили дунё бўйича чой майдонлари 1,183 минг гектарни ташкил этиб, жами 1120 минг тонна ҳосил тайёрланган. 1999 йилда 2,291 минг гектарга чой экилган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 1254 килограммни ташкил этган. Ўша йили жами бўлиб 2,872 минг тонна чой ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 2 миллион 366 минг тоннаси Осиё мамлакатларида етиштирилган.

Ер шарида асосан икки хил: кўк ва қора чой ишлатилади. Қизиғи шундаки, иккаласи ҳам бир ўсимликда етиштирилади. Фақат улар қайта ишлаш жараёни билан бирбиридан фарқланади, холос. Кўк чой барглари оддий йўл билан қуриши натижасида, қора чой барглари эса термик қиздириш ёрдамида тайёрланади. Чой барглари таркибида сув, кофеин, танин, эфир мойлари, оқсил моддалари, қанд, отқулоқ ва лимон кислотаси, пигмент ва бошқа моддалар мавжуд. Ёш чой барглари таркибида 72-80 фоиз сув ва 20-28 фоиз қуруқ модда, шунингдек, ёғочлик ва оқсил бирикмалари бор. Чой баргида қуруқ моддаларнинг кўп бўлиши баргнинг ёши, ўсимлик турлари, териш усули, муддати ва бошқа омилларга боғлиқ. Умуман, чой таркибида 120 дан зиёд фойдали кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, айримлари қайноқ сувда эрийди, булар экстрактив моддалар дейилиб, дамланганда чойга ранг ва таъм беради.

МУЛОҲАЗА

Чойнинг ватани Хитой. Кейинчалик, (IX асрда) Японияда ўстирилиб, "ча" номини олгач, XVII асрда Европага келтирилган.

Чой дарахтининг баландлиги 1-3 м гача етади. Унинг ён томонга ўсувчи шохлари кўп ҳосил беради. Йирик баргли навларда барг ҳажми 100х40 мм, ўртача барглари навларда 70х30 мм, майда баргли навларда эса 40-16 мм бўлади. Барг қалинлиги ўртача 0,3-0,4 мм. Тропик мамлакатларда чой ўсимлиги узлуксиз ўсади, аммо ер шарининг кўпгина мамлакатларида чой тупроқ иқлим шароитига кўра ҳосил беради. Чой намга ниҳоятда талабчан, униб чиқаётганда тупроқ намлиги 70 фоиз бўлиши керак, агар тупроқда нам етишмаса, албатта ҳосилдорлик камаяди. Ёш новдаларнинг ривожланишига ёруғлик, шамол, ўғит, кесиш, баргни териш услуби ўзига хос таъсир кўрсатади. Ҳар 35-40 кунда янги новдалар ҳосил бўлади. Қулай шароит яратилса, узлуксиз янги барглар ҳосил бўлаверади. Эътиборли томони шундаки, чой дарахти ўртача 150-200 йил умр кўради. Шу боис ниҳоятда меҳнат ҳам талаб қилмайди. Ҳар йили гуллайди. Бу даврда ҳарорат 18-20 даража, ҳаво намлиги 70 фоиз атрофида бўлиши керак. Паст ҳарорат гуллашни тўхтатади. Гуллари четдан чангланса, яхши уруғланади ва октябрда пишиб етилади.

Яна бир қулай жиҳати, у тупроқ танламайди, деярли ҳамма тупроқларда яхши ҳосил беради. Лекин чой далаларга экилганда қатор ораларига, албатта, бошқа тур экинлари қўшиб экилгани маъқул. Бегона ўсимликлар унга соябон вазифасини ўтайди. Чунки, юқори даражали ҳароратда майсалар иссиқдан куйиб қолиши мумкин. Унумдор тупроқларда ҳар бир терилган 5 килограмм чой барги учун 0,5 килограмм азот сарфланади. Азотли ўғитлар йилига икки марта: баҳорда март-апрел ойларида – 60 фоиз (умумий сарфланадиган азотнинг), июл ойида – 40 фоизга тўғри келади. Органик ўғитлар чириндилар, парранда гўнги ва шулар асосида тайёрланган шарбатлардан фойдаланилганда ҳам чой ҳосилдорлиги ошади. Тажрибалардан маълумки, азотли ўғитларни кўпроқ бериш, ҳосилдаги танин миқдорини камайтиради, фосфорли ўғитнинг кўпроқ берилиши поя ва новдаларнинг тез ривожланишига олиб келади. Шунинг учун ўғит миқдорини меъёрдан оширмаслик лозим.

Юқори сифатли чой олиш ҳосилни қачон теришга ҳам боғлиқ. Негаки, энг сифатли барглар апрел ойининг охири ва майнинг ўрталарида ўсади. Бу вақтда новдаларда 4-5 та яхши барглар ҳосил бўлади. Июн ойида эса барглар ҳосил бўлиш жараёни сустлашади. Июлга келиб новда ва барг ҳосил бўлиши яна тезлашади. Лекин у ҳар доим ҳам олдингиларидек сифатли бўлавермайди. Терилган ҳосил баргларга қараб навларга ажратилади.

Чой ўсимлигининг ҳосилдорлиги дастлабки йилларда камроқ бўлиб, 4-5 тоннани ташкил этади. 6-7 йиллик дарахт бир гектардан 12-15 тонна барг беради. Натижада 24-25 миллион сўм даромад қилиш мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, чой дарахтларини етиштириш харажатлари 200-300 минг сўмдан ошмайди.

Дилором ЁРМАТОВА,
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Ҳаёт ва инсон муҳофазаси

Табиати тоза, покиза, шаффоф бўлган жойнинг инсонлари ҳам тоза бўлади. Уларнинг юзидан нур ёғилиб туради гўё, одамлари ҳам хушфеъл бўлади. Мен бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Бизнинг шундоққина ёнимизда, Тошкентнинг биқинида Швейцарияга монанд бир маскан бор.

Бу жойни "Паркент" дейишади. Мана шу даргоҳга кириндан аввал, кимники бўлишидан қатъий назар, машинаси тўхтатилади, текшириб кўрилади. Атрофни ўзининг ифлос чиқиндиси билан булғовчи машиналар бу ерга умуман киритилмайди. Фақатгина тоза бензиндагиларига маълум бир масофагача боришга рухсат этилади, холос. Мақсад, тозаликни, ободончиликни, мусаффо ҳавони сақлаш. Шу жойнинг одамлари ўзи бунга бош-қош.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, табиати тоза инсонларнинг ўзи ҳам тоза бўлади. Мана шу Паркент одамларининг ҳам ранги тоза. Чунки улар яшаётган ҳаво мусаффо, атроф муҳит озода. Бу сўлим жойлар ҳар қандай кишининг ҳам баҳри дилини очиб юборади. Ҳатто негадир гўштхўр, ўлаксахўр олақанот ҳам бу ерларда кам учрайди. Ёки бўлмаса умуман кўринмайди. Бунга мана шу халқнинг каттадан кичигигача Паркентни обод қилиш учун, унинг санитария ҳолатини яхши сақлаш учун биргаликда курашаётгани туфайли эришилмоқда.

ФИКР

Илгари Тошкентдан ошнинг харажатини олиб бориб, ўша ерда яйраб, ичиб, ҳамма ёққа ичимлик шишаларини отиб ўтирадиган одамлар йўқ энди. Бундайлар Паркентга қўйилмайди ҳам. Ўша ерда Кумушкон деган жой бор. Шу жойда ҳам табиатга нисбатан назорат қаттиқ ўрнатилган, озодаликка алоҳида эътибор қаратилган.

Мен Паркент ҳақида бир китоб ёздим. Бу китобим Паркентнинг ҳозирги ҳолати, унинг ҳақиқий, покиза, ҳавоси айнимаган ва ҳавоси ниҳоятда катта назорат қилинаётганлиги ҳақида. Китобда бир қанча ёзувчилар тўғрисида ҳам сўз юритилган.

Паркентимизнинг ҳолатини ниҳоятда яхши, экологик талабларга жавоб берадиган бир даражада яхши сақлаётгани учун туман аҳлига миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Лекин шу ўринда яна бир сўзни айтсам. Республикамизда, қолаверса, Тошкент вилоятида ўзининг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси билан ажралиб турадиган гўзал жойлар кўплаб топилади.

Афсуски, бу ерлар бироз эътибордан четда қолмоқда. Агар паркентликлар ташаббусига қўшилиб, ушбу масканларда ҳам табиатга зиён етказувчи ҳолатларга батамом барҳам берилса, бу фақат халқимизга кони фойда бўлар эди.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Рақамлардаги хавотир

"Экосан" халқаро жамғармасидан олинган маълумотлар

XXI аср инсоният олдига муҳим, глобал муаммоларни қўймоқда. Планетамиз экологик жиҳатдан ўта ваҳимали ва хавфли ҳолатда турибди.

***

344 минг турдаги ўсимликлар йўқолиб кетиш арафасида.

***

5200 та ҳайвон тури камайиб кетди.

***

Ер юзи бўйича 1,1 миллиард аҳолига тоза ичимлик суви етишмайди.

***

Сувсизлик оқибатида жаҳонда 2,2 миллион аҳоли турли хасталикларга чалиниб вафот этмоқда. Улардан кўпчилиги болалардир.

***

Марказий Осиё бўйлаб чўл ҳудуди 100 минг квадрат километрга кенгайди.

***

Дунё бўйича жаҳон жамоатчилигининг атроф-муҳитни яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун 1,3 триллион АҚШ доллари сарфланишига қарамай жаҳон экологияси хавф остида турибди.

***

Ҳозирги кунда юртимизда 4000 дан зиёд ўсимликлар тури бор. Ўсимлик оламига нисбатан совуққонлик натижасида "Қизил китоб"га кирган флора таркиби кўпайиб бормоқда.

***

1991 йилда Ўзбекистоннинг "Қизил китоби"га 163 та ўсимлик тури киритилган бўлса, 1999 йилдаги маълумотга кўра "Қизил китоб"дан жой олган ўсимликлар сони 301 тага етди.

***

Республикамизда ҳисоб-китоб қилинган 424 турдаги қушнинг 29 тури "Қизил китоб"дан ўрин олган.

***

83 турдаги балиқнинг 10 тури "Қизил китоб" "аъзоси".

Табиат зулмни кечирмас



Баъзида бешафқатмиз. Табиатни эзамиз. Янчиймиз, пайҳонлаймиз, ўт қўямиз.

Табиат биздан кўп кўргуликларни кўрди. XXI асрга келиб одамзот учун танқис бўлмаган нарсанинг ўзи қолмади. Сув танқис. Ҳаво танқис. Наботат олами тақчил. Ҳайвонот дунёсига қирғин солдик.

Муаммони ўзимиз яратамиз. Кейин оҳ урамиз.

Нима бўлган тақдирда ҳам табиат билан ўйнашдик, ҳазиллашдик. Ҳазилимиз таги зил чиқди. Табиатни бўйсундирамиз дедик. Чўлни-чўл, сахрони-сахро деб билмадик. Мувозанатни буздик. Табиатда боғу бўстондан тортиб янтоқзорнинг ҳам бир-бири билан маълум посангида эканлигини англамадик. Англаган бўлсак ҳам эътибор бермадик. Шаҳарларнинг ўпкаси бўлган тоғларни булғадик. Узун-узун қувур оғзидан заҳар ўрлади. Бир-биримизни алдадик: "Бу — заҳарли эмас!" Улкан-улкан атом станциялари портлаб кетгач, кўзимиз ярқ этиб очилади: "Э-э-эй, бу ўлат, офат, заҳар экан-ку. Турган битгани зарар, радиоактив нур экан-ку!" Радиация борлиққа қирғин соларкан... Одамнинг ичини тўқди. Қурбақалар икки бошли бўлиб тухумдан чиқди. Қушлар қунишиб, акашак бўлиб қолди. Ўт-ўланлар қавжиради, сарғайди. Хўш, бундай бўлгач одам тирик қоладими? Одам соғ қоладими? Одам яримжон ва ногирон туғилди. Кейин англагандай бўлди. Қайсидир станциянинг портлаши Чернобиль ёки Украинанинг фожеаси эмас экан...

Бутун ер юзида чиқаётган заҳар-заққум, оғули ҳаво, тутун фалакни қопламоқда.

Қўқда тўда-тўда бўлиб заҳарли, офат булутлари сузмоқда. Заҳар бир жойда тўпланиб қолаётгани йўқ...

Бутун планетамиз осмони оғуга тўлиб бўлди.

ЭКОЛОГИЯ

Бу нимадан?

Бу ер юзини қоплаган АЭСлар, сон минглаб заҳарли заводларнинг ҳаддан зиёд кўпайгани, маълум ҳуқуқий мақомат ва меъёрларга амал қилмаётганидан.

Техника асри. Улов кўпайди. Газ ва тутунлар ютаётган дарахтлар ҳам "буғилиб", ҳолсизланиб бормоқда. Чўллар чанг-тўзони, ҳавода қуриқлик ортиши борасида фалакни эгаллаб олди. Нима бўпти дерсиз...

Кислотали ёмғирлар ёғаяпти. Ҳа, заҳар ёғаяпти. Дарахтлар баргини илма-тешик қилиб юбораяпти. Мева-чевалар олапес-яра бўлиб қолаяпти. Куриб-қақшаяпти. Бужмаймоқда. Пишмаяпти. Бу ҳол айниқса, ўрикларда кузатиляпти. Ўтган йили шундай бўлди-ку... Кислота томган томчилар йиғилган булут Европанинг аллақайси жойидан ўрлаган заққумлар эвазига пайдо бўлган, сўнгра биз томонга сузиб келган деган таҳминлар ҳам бор. Лекин Сариосиё томонларда Тожикистондаги алюминий заводдан чиққан заҳарли моддалар ҳаммаси Дашнобод анорининг бошига етди. Аҳоли соғлигига ҳам зарари сезиляпти. Оддий қилиб айтганда, буқоқ деган касаллик пайдо бўлди ёшларда. Сигир-бузоқларнинг-ку тишлари тўкилиб бораяпти.

Хуллас, ана шу кислотали ёмғирлар бехуда пайдо бўлгани йўқ. Кислотали ёмғир кўкда учаётган самолётларни ҳам тешаркан. Улкан кўприкларни занглатаркан. Қанчалаб кўлларни ўлик ҳолига келтириб кўяяпти. Балиқлар қирилиб кетмоқда.

Яна бир гап: Табиатга бефарқлигимиз оқибатида фалакни ядро зимистони қопламоқда. Айрим жойларда шу фалокат ҳавонинг кескин совуқлашувига олиб келмоқда. Қуёш нури зимистонни кесиб ўтгач, борлиққа тиғдай санчилмоқда. Униб-чиққан майса-гиёҳларни еган қорамоллар сути ва гўшти ҳам заҳарланаяпти. Энг ёмони, зимистонликдан сўнг пайдо бўлган қуёш нури ўз таъсирини ўзгартираркан. Натижада одамлар кўр бўлиб қолиши хавфи туғилмоқда.

Хуллас, гапираман десак гап кўп.

Табиатга инсонларча муносабатда бўлмаслик ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Биласиз, дельфинларнинг эшитиш қобилияти жуда нозик. Қайсидир денгизда сузган кемадан таралган шанғи, бадабанг мусиқалар таъсирида бу жониворлар ўзларини қирғоққа уришиб, жон таслим қилишган. Қирғоқ дельфинларнинг ўлигига тўлиб кетган. Океанда чўкиб кетган кемадан чиққа радиация оқибатида сув бўйидаги шаҳарчада ўрмаловчи жониворлар мутантга айланиб, хонадон аҳолларини ғажиб ташлашган. Бу — бор гап.

Мана, табиатнинг қаҳрига мисол.

Бир қўшним бор. Кўкариб турган улкан ёнғоқни кес деб ҳоли жонимга қўймайди. Ёнғоғинг эркак дейди. Мен ёнғоқнинг эркаги бўлишини эшитмаган эканман. Мевалари ишгил. Лекин жоҳил кимса ҳа, деб ёнғоғимни кес дейди. Мен бунинг сабабини биламан. Дарахтнинг бир шохи унинг томорқасига ўтган. Мева-чеваси, барги-ҳазони унинг ҳовлисига тушади-да. Хуллас, ёнғоқни кесмадим. Кесмайман ҳам.

Негаки, одам боласи умри давомида 200 тун дарахтни ўз эҳтиёжи йўлида қурбон киларкан. Ручка, қалам, қоғоз-дафтар дегандай. Лекин бу ҳаётга келиб битта ҳам кўчат экмай кетадиганлар қанча. Энди ер юзи аҳолиси сонини ҳар бир инсон эҳтиёжи учун ишлатиладиган 200 тун дарахт сонига кўпайтириб кўринг-чи. Бутун бошли мамлакатлардан улкан бўлган ўрмонзорлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бу гапларнинг бизга тааллуқли жойи йўқ деб ўйлаганлар адашади. Ер шари биз ўйлаганчалик катта эмас экан. Табиат эса ҳар қайсимизнинг уйимиздаги боғимиз. Чорбоғимиз. Дала ҳовлимиз. Ундаги номутаносиблик эса ҳар биримизнинг ҳаётимизга таъсир қилмай иложи йўқ.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейди халқимиз. Кузатяпсизми? Ҳозир бутун дунё олдида тоза ичимлик суви тақчиллиги муаммоси турибди. Бу глобал муаммо. Бугун ўйламасак, ақлимизни йиғиб олмасак, эртага кеч бўлади. Келажак авлод — бани одамият сувсизликка йўлиқади. Бу ёмон. Бу офат. Сув — ҳаёт манбаи деб англасак, сувсизлик — ҳаётсизлик деган хулоса келиб чиқади. Дунё миқёсида ўйлаб қараганда, Марказий Осиёда сувни исроф қилиш ҳаддан зиёд юқори даражада. Дейлик, Туркманистонда аҳоли жон бошига 6216м³ **сув сарфланаркан. Ўзбекистонда эса 4007 м³, Қирғизистонда 2663 м³, Тожикистонда 2376 м³, Қозоғистонда 2264 м³ га тўғри келаркан. Бу кўрсаткич АҚШда 1870 м³ ни, Канадада эса 1602 м³ ни ташкил қилади. Орадаги тафовутни кўраяпсизми?**

Нафақат сув, бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳам экологик маданиятимизнинг ҳаминқаддарлигини кўрсатиб турибди.

Ер шари - ҳар биримизнинг умумий уйимиз. Табиат эса жон сақлагичимиздир. Шуни унутмасак бас.

Кўчкор НОРҚОБИЛ,
«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.

Халқаро анжуманга пешвоз

Тошкент Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг олий даражадаги саммитига тайёргарлик кўрмоқда. Маълумки, бу ташкилот таркибига Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Хитой киради. Тошкентда ана шу давлатларнинг раҳбарлари учрашиб, аввало, халқаро терроризмга, экстремизмга, наркобизнесга ва айирмачиликка қарши кураш, шунингдек, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, савдо ва саноат корхоналари форумларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этишнинг ташаббускори Ўзбекистондир.

Шу йилнинг январ ойидан буён Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) жуда самарали фаолият кўрсатмоқда. Январ ойининг ўзида ташкилот фаолиятида иккита диққатга сазовар воқеа юз берди. Биринчиси Пекинда ШҲТнинг доимий ишлайдиган маъмурий органи- Котибият ўз фаолиятини бошлагани бўлса, иккинчиси Тошкентда минтақавий антитеррор маркази ишга тушганлигидир. Котибият каби антитеррор ташкилот ҳам доимий ишлайди. Шунингдек, олий даражадаги саммит олдидан Тошкентда ШҲТга аъзо мамлакатлар савдо ва иқтисод вазирларининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Ҳозир жаҳонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қизиқиш ортиб бораяпти. Уни жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири сифатида эътироф этишмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан котибиятнинг очилиш маросимидаги сўзида шундай деди: "Бу ташкилотнинг катта истиқболлари бор ва БМТ шу минтақада хавфсизликни таъминлаш жараёнини биргаликда олға силжитиш учун ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга тайёр". Европа Иттифоқи вакили ҳам ШҲТ билан яқин алоқа ўрнатишнинг аҳамияти тўғрисида гапирди. "ШҲТ таркибига кирган олтита давлатдан биттаси Европада хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Бу ШҲТ билан ЕХҲТ ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш учун замин яратади", деб баёнот берди ЕХҲТ Бош котиби Ян Кубиш. Умуман, ЕХҲТ доирасида ШҲТ билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қизиқиш катта.

Тошкентдаги олий даражадаги саммитга тайёргарлик ШҲТга аъзо барча давлатларда олиб борилмоқда. Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, яқинда Москвада Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Анатолий Сафонов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий антитеррор марказининг ижроия қўмитаси раиси Вячеслав Қосимов ва Ўзбекистоннинг Россия федерациясидаги элчиси Бахтиёр Исломов билан учрашиб, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувига тайёргарликнинг боришини биргаликда муҳокама қилганлар. Учрашувдаги асосий эътибор минтақавий антитеррор марказининг фаолиятига қаратилди. Бу тизим Марказий Осиёда, умуман, жаҳонда терроризмга ва экстремизмга қарши таъсирчан кураш олиб боришда катта аҳамият касб этади. Тошкентдаги саммитда минтақавий антитеррор марказининг дастурий фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилади.

Энди ШҲТнинг кенгашлари ва доимий ишлайдиган тизимларига тўхталтиб ўтсак. Давлат раҳбарлари Кенгаши ШҲТнинг олий органи ҳисобланади. Кенгаш ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, ички тизимлар ва уларнинг фаолиятлари билан боғлиқ жиддий масалаларни ҳал қилади, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мувофиқлаштиради, шунингдек долзарб халқаро масалаларни кўриб чиқади. Кенгаш ўз мажлисини бир йилда бир марта ўтказади. Мажлисга ташкилотчи давлат вакили раислик қилади. Айни пайтда Кенгашга Ўзбекистон раислик қилаяпти. Саммитнинг Тошкентда ўтказилаётганлигинги боиси ҳам шунда.

ШАРҲ

Бош вазирлар кенгаши бошқарув тизимида иккинчи ўринда туради. Унда ташкилотнинг бюджети қабул қилинади, иқтисодий тармоқларга дахлдор барча асосий масалалар кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Кенгаш мажлисга бир йилда бир марта тўпланади.

Бундан ташқари Тошкентда ташқи ишлар вазирлари Кенгаши ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда кўриладиган масалалар қамрови кенг. Ташкилот қабул қилган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат раҳбарлари Кенгаши мажлисига тайёргарлик кўриш, ташкилот доирасида халқаро муаммолар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш ва ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқа кундалик масалалар шулар жумласидандир. Одатда, ташқи ишлар вазирлари давлат раҳбарлари кенгаши мажлисига бир ой қолганда учрашадилар. Ҳайъатни ўз ҳудудида давлат раҳбарлари кенгашини ўтказадиган мамлакат ташқи ишлар вазири бошқаради. ШҲТнинг ташқи алоқаларини ҳам ташқи ишлар вазирлари кенгаши раиси амалга оширади.

Шунингдек, ШҲТда аъзо давлатларнинг турли даражадаги вазирликлари ва идоралари доирасида учрашувлар ҳамда йиғилишлар ўтказиш шаклланиб бораяпти. Жумладан, кейинги пайтда бош прокурорлар, маданият, ички ишлар, мудофаа, иқтисод ва савдо вазирлари учрашувларини ўтказиш йўлга қўйилди.

ШҲТнинг кундалик фаолиятини бошқариб ва йўналтириб турувчи миллий координаторлар Кенгаши ҳам мавжуд. Кенгаш уч йилда бир марта мажлис ўтказади. Мажлисга ташкилотчи давлат вакили раислик қилади.

Котибият эса ШҲТнинг доимий ишлайдиган маъмурий органи ҳисобланади. Бу орган ташкилот доирасида ўтказиладиган барча тадбирларни ташкилий- техникавий жиҳатдан таъминлайди, барча ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашади, ташкилотнинг йиллик бюджети тўғрисида таклиф киритади. Котибиятни ижрочи котиб бошқаради. Уни бу лавозимга давлат раҳбарлари Кенгаши тайинлайди. Ҳозир биринчи ижрочи котиб вазифасида хитойлик дипломат Чжон Дэгуан ишлаб турибди.

Яна бир доимий ишлайдиган тизим- бу минтақавий антитеррор марказ. Бу тизимнинг қароргоҳи Тошкентда жойлашган. Вазифаси ШҲТга аъзо барча давлатларнинг терроризмга, айирмачиликка ва экстремизмга қарши курашдаги саъй- ҳаракатларини йўналтириб тўришдан иборат. Тизимнинг таркибида Кенгаш ва Ижроия қўмита бор. Кенгаш раҳбар орган саналади ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ижроия қўмита раисини давлат раҳбарлари Кенгаши тайинлайди. Ҳозир бу вазифада Ўзбекистон вакили ишлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент ШҲТнинг олий даражадаги саммитини ўтказишга ҳар жиҳатдан тайёр.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.



ҚОТИЛ ҚИДИРИЛМОҚДА

9 майда Чеченистоннинг "Динамо" стадионида содир этилган теракт гумон қилиниб яна икки киши қўлга олинган.

Бу ҳақда Россия Федерацияси бош прокурори ўринбосари Сергей Фридкин маълум қилди.

Қўлга олинганлар 22 ва 28 ёшли чечен миллатига мансуб шахслардир. Уларнинг исм-шарифи ҳозирча сир тутилмоқда. Маълумотларга кўра, бу икки шахс бир неча йиллар жанговар гуруҳлар билан алоқадорликда бўлган. Содир этилган теракт оқибатида мамлакат президенти Аҳмад Қодиров, Давлат Кенгаши раиси Ҳусейн Исаев ва олти нафар одам ҳалок бўлган эди.

"ТИТАНИК" "МУЗЕЙИ"ДАГИ ЎҒРИЛАР

Америкалик тадқиқотчи Роберт Баллард уммон остидан паноҳ топган афсонавий "Титаник" кемаси тақдиридан хавотир олмоқда.

Кема корпусини юқорига олиб чиқишнинг имкони бўлмагач уни сув остида қолдиришга қарор қилинган эди. Охирги йилларда кема жисмларининг шўр сув оқибатидаги емирилиши кучайиб кетган. Лекин бугунги кунда сув остида изланишлар олиб бораётганлар ва маржон қидирувчилар "Титаник"нинг маълум бир қисмларини эсдалик сифатида ечиб олиб кетиши ачинарли ҳол бўлмоқда.

Балларднинг фикрича, агар бу ҳолга чек қўйилмаса яна ўн йилдан сўнг "Титаник"дан-асар ҳам колмаслиги мумкин.

- Баъзи кимсалар кема қисмларини шунчаки эсдалик учун эмас, балки мўмайгина даромад пайида талон-тарож қилишмоқда. Бунга нисбатан қаттиқ чора-тадбир қўллаш лозим, - дейди тадқиқотчи Баллард.

КЎПРИК ҚУЛАДИ

Хитойнинг шимоли-шарқидаги Панцзин шаҳридаги 500 метрлик кўприк қулаб тушган, дея хабар беради "Синьхуа" ахборот агентлиги.

Тянгжантай деб аталадиган бу кўприк Хитойдаги йирик автомобил кўприги бўлиб, Панцзин ва Инкоу шаҳарларини ажратиб турган Ляо кўли устидан қурилган эди. Гувоҳларнинг сўзига кўра, кўприк билан бирга бир неча автомобил кўлга қулаб тушган. Айни дамда воқеа содир бўлган ҳудудда қутқарув гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Ҳозирча фожиа сабаби ва талафотлар хусусида аниқ маълумотлар тарқатилмаган.

"КАТТА САККИЗЛИК" САММИТИДА

АҚШнинг Си Айленд оролида Саккизлик гуруҳига аъзо давлатлар вакилларининг махсус йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

АҚШ, Япония, Германия, Франция, Британия, Италия, Канада ва Россия вакиллари Яқин Шарқ бўйича тинчлик режасини муҳокама қилишди.

Ва "Катта саккизлик" иштирокчилари томонидан "Яқин Шарқ тинчлик жараёни" деб номланган саммитнинг ҳужжати қабул қилинди. Унда саммит иштирокчиларининг деярли барчаси Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоқларидан Исроилни бир томонлама олиб чиқиш режасини амалга ошириш зарурлигини маъқуллашган. Исроил бош вазири томонидан илгари сурилган бу каби режаларни Исроил ҳукумати ҳам қўллаб-қувватлашга ишонч билдирилаётгани айтиб ўтилган.

Ироқ тарихида янги саҳифа

АҚШ ва Буюк Британия томонидан илгари сурилган Ироққа доир янги резолюция бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари муҳим келишувга эришдилар. Янги резолюция лойиҳаси уч марта қайта кўриб чиқилди ва тайёрланди.

Резолюциянинг дастлабки лойиҳасида ўтказиладиган ҳарбий операция борасида Ироқ бош вазирини хабардор қилиб қўйишгина назарда тутилган эди. Лекин резолюциянинг бу лойиҳаси Франсияга унча маъқул тушмади. Ва ушбу давлат талаби билан лойиҳага ўзгартиришлар киритилди. Яъни Ироқ муваққат ҳукумати халқаро ҳарбий контингент ўтказадиган операцияларни назорат қилиш ваколатига эга бўлди. Энди кўп миллатли ҳарбий контингент ҳар бир ҳаракатлари олдидан бош вазир билан маслаҳатлашадиган бўлди.

Резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашида яширин овозга қўйилиши кўпчиликда норозилик кайфияти уйғотган бўлса-да, натижалар барчага маъқул тушди.

Қабул қилинган резолюциянинг яна бир фойдали томони Ироқ президенти Ғозий ал Явар АҚШнинг Си Айленд оролида бўлиб ўтаётган "Катта саккизлик" саммитида иштирок этмоқда. Саммитда президент Ироқнинг қарзларини қисқартириш учун музокаралар олиб бориш ниятида эканлиги айтилмоқда.

Ироқ борасидаги янги резолюцияга бир қанча давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ҳам ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Уларнинг фикрича, бу жуда яхши хабар. Бундан буён Ироқ тарихининг янги саҳифалари бошланмоқда. Шунингдек, эндиликда кўпгина давлатлар Ироққа иқтисодий кўмак кўрсатиб, ҳамкорликлар ўрнатишга тайёр эканликларини ҳам таъкидлаб ўтишмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Қурол-яроғ учун 956 миллиард

Ўтган йили дунё мамлакатларининг ҳарбий харажатлари 956 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шунинг деярли ярми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Стокголмдаги Тинчлик муаммоларини тадқиқ қилиш халқаро институтининг (СИПРИ) куни кеча эълон қилинган ҳисоботида айтилишича, 2003 йили дунё мамлакатларининг ҳарбий харажатлари 2002 йилдагига нисбатан 18 фоиз ошган. Бунга аввало Ироқ ва Афғонистон ҳудудидаги ҳарбий операциялар сабаб бўлган.

АҚШда ҳарбий харажатларнинг кескин ошишида 2001 йил 11 сентябр воқеалари асосий омил бўлди. Айни пайтда ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари уларнинг ривожланаётган мамлакатларга ажратаётган ёрдамидан ўн баробар кўп.

Институт вакиллари кейинги пайтда қурол-яроғ савдоси сезиларли даражада кўпайганига эътибор қаратмоқда. Бу бозордаги асосий сотувчилар Россия, АҚШ, Франция ҳамда Германия бўлса, энг йирик харидорлар Ҳиндистон ва Хитойдир. Ушбу икки мамлакат, асосан, Россия билан ҳамкорлик қилаётган бўлса, Хитой Тайпейи, Миср, Буюк Британия, Греция, Туркия ҳамда Япония АҚШнинг энг йирик мижозлари ҳисобланади.

СИПРИ тадқиқотчиларининг фикрича, яқин орада қурол-яроғ савдосининг ҳажми янада ошади, энг йирик савдогар бўлиб турган Россия ўрнини АҚШ эгаллаб олишининг эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Бир ярим миллиард кредит

Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойилларига мос ташкилий тузилмаларини татбиқ этиш борасида муайян ишлар олиб борилаяпти. Айниқса, бу борада АТ "Пахта Банк"нинг Наманган вилояти бошқармасида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга лойиқдир.

ХИЗМАТ

– Истиқлолга эришганимиздан кейин бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ҳам бир қатор янгиликларга юз тутди. Айниқса, фермер хўжалиги ташкил этилишидан хабар топган кўплаб одамлар бу хайрли ишга қўл уришди, – дейди "Пахта Банк"нинг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳаммадали Ниёзов. – Тўғри, фермерликни осон деб ўйлаган баъзи биродарларимиз эплай олмасликларини тушунишди. Узоқни кўра билган, қолаверса, суяги меҳнатда қотган ҳақиқий деҳқон учун фермерлик маъқул келди. Юқорида айтганимиздек, фермер бўлиш, йўқни йўндириш, борига барака киритиш, энг асосийси, туну кун дала экинларининг "қош-қовоғи"га термулиш, уларга меҳр бериш, парваришлаш, йўл-йўлакай кўндаланг турган муаммоларни ҳал этиш – бу айтишгагина осон. Биз имкон қадар мулкдорларга молиявий кўмак бериб келаяпмиз. Фермерларимизнинг қалбига секин қулоқ тутиб кўрсангиз, уларнинг айтадиган гаплари жуда кўп.

– Фермер бўламан, нонни қаймоқ билан ейман, деганлар сон мингта, – дея гурунг беради Поп туманидаги "Тулпор" фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Фаёзов. – Бу ишни ҳузур-ҳаловатдан кечган уддалайди. Ахир, қамишни маҳкам ушламасангиз бармоқларингизни кесиб юборади. Ана, қолганини ўзингиз тушуниб олаверинг. Бир юз олтмиш беш гектар ерда ғалла, пахта етиштирамиз. Ўтган йили ғўза айни гулга кирганда техникам бузилиб қолиб, роса сарсон бўлдим. Шунда янги трактор сотиб олиш учун "Пахта Банк"дан 10 миллион 912 минг сўм имтиёзли кредит олдим. Энди техникамиз ҳам уч-тўрт йилсиз оқсамайди. Мен билан бир сафда тер тўкаётганларга раҳмат. Улар фермерликнинг оғир тошига елка тутиб келишаяпти. Худо хоҳласа, даладан мўлжалдаги буғдойни йиғиштириб оламиз. Пахтамиз, ем ҳашагимиз ҳам мўл бўлади. Мана шундай кунларга етишимга банкдагиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

– Мен бундан беш-олти йил бурун яхши ният билан Попда "Мирсултон ота Фаёзов" фермер хўжалигини ташкил этган эдим, – дея эслайди мулкдор К.Фаёзов. – Очиғи, бошида иккиландим ҳам. Нега деганда, ўша йиллари бу ишни эплай олмай, ташлаб кетаётганлар бўлганди. Бир томондан ёр-биродарларим: "Эй, сен ўзингга тўқ одам бўлсанг, сенга нима етмайди ўзи? Бошингга ортиқча ғалва ортиб нима қиласан?", деб роса бошимни қотиришди. Аммо ҳеч кимга қулоқ солмадим. "Одамлар гапирса, гапираверсин. Ахир мен бу ишни етишмовчиликдан қилаётганим йўқ-ку!", дедим-у олға босдим...

Янглишмаган эканман. Ота-боболарим бир умр орзу қилиб эришолмаган бахт менга насиб этди. Ҳозир 470 гектар ер майдонига эгаман. Ўтган йилги даромадим чакки бўлмади. Далада ишлаётганларнинг қозони қайнаб, эгни бут, киссасида пули бўлса, ишига барака киради. Қолаверса, уларга ҳудабеҳуда буйруқ бераверишн, катталик қилавериш дам емаган паловни бузиш билан баробар. Ўтган мавсумда экин-тикинлар харажати учун банкдагилар 36 миллион 846 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишганди. Унга ўз вақтида минерал ўғит, ёнилғи ва бошқа нарсалар сотиб олинди. Даромадимиз ҳам роса зўр бўлди. Ҳали кўрасиз, замонамиз бундан ҳам тўқ, бундан ҳам фаровон бўлиб кетади. Бунинг учун сиз ҳам, мен ҳам, қолганлар ҳам меҳнат дея аталмиш улуғ омилнинг этагини қўйиб юбормаслигимиз керак...

Бундай миннатдорчилик сўзларини Мингбулоқ туманидан "Тошкенбой", Попдаги "Амир ота" сингари фермер хўжаликлари етакчилари ҳам айтиб ўтишди. Улар банк хизмати билан боғлиқ барча ишлардан хурсанд.

Бугунги кунда молия муассасасининг туманларда 13 та бўлими, бешта мини-банк 7537 нафар мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мижозларнинг 1701 нафарини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилади. 2003 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 1 миллион сўм кредитлар ажаратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 374 миллион 700 минг сўмни ташкил қилди. Банкнинг молиявий мадади билан ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйиб олган корхоналар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Улар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари ҳам анчагина.

Нақд пул тушуми салмоғини ошириш, шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш амалиёти қанчалик наф бериши беш қўлдай аён. Аслида жамғармани сақлашнинг қулай усули ҳам шу. Бунда, биринчидан, маблағингиз ишончли қўлда бўлиб, уни ўзингиз истаган пайтда қайтариб олишингиз мумкин. Иккинчи томондан, омонатдаги пулингизнинг фоизлари ҳамёнингизга барака киритади.

Аҳолига яратилган яна бир қулайлик шаҳар ва туман марказларидан анча олисда фаолият кўрсатаётган мини-банкларнинг намунали хизмати ҳам банкнинг нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир. Бу мини-банклар хизмати мижозларга маъқул бўлмоқда.

– Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш борасида ҳам банк жамоаси ўз иш услубига эга, – дейди қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўлими бошлиғи Исмоилжон Абдухалилов. – Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига 1 миллиард 585 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажаратилди. Бундан ташқари, хўжаликлар ва фермерларнинг лизинг асосида техника воситалари харид қилишларида ҳам банк жамоаси аҳолига қулайлик туғдиришга интиляпти.

Ишончимиз комилки, банк бундан кейин ҳам вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан бирга, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида ҳам нуфузли ўринга эга бўлади.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Сўранг, жавоб берамиз

Спиртли ичимлик ва ҳайдовчи

Савол: *Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатда автомобил бошқарган ҳайдовчига қандай чора кўрилади?*

Малик РАҲИМОВ,
Бухоро вилояти.

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ИИБ ДАН бўлими нозири Абдуқодир Каримов.

Жавоб:-Ҳайдовчи биринчи марта маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарса ва бу ДАН ходими томонидан тасдиқланса, унга йўл транспортига оид қонунлар доирасида чора кўрилади. Масалан, ҳайдовчининг ўзи спиртли ичимлик ичганлигини тан олса, маълум миқдорда жарима белгиланади. Агар ҳайдовчининг кайф ҳолатда транспорт воситасини бошқарганлиги экспертиза орқали аниқланса, унинг ҳайдовчилик ҳуқуқи маълум муддатга бекор қилинади. Агар у иккинчи марта сармаст ҳолатда рулни бошқарса, бир ярим йилга, учинчи марта шу ҳолат яна такрорланса, уч йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Отамисиз, онамисиз?..

Савол: *Ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс кейинчалик фарзандидан алимент талаб қилишга ҳаққи борми?*

Назира ШОМУРОДОВА,
Тошкент вилояти.

Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси аъзоси Абдуқаҳҳор Алиев.

Жавоб:-Ажримдан сўнг ота ёки она фарзандига алимент тўлаганидек, вояга етган фарзандлар ҳам ўз навбатида меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисиз қолган ота-оналари талаб қилсалар, уларга алимент тўлайдилар. Лекин ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар кейинчалик фарзандларидан алимент олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум ҳисобланишади.

Меҳнат дафтарчасига қайд

Савол: *Ташкилот ёки корхонанинг буйруғисиз ишбай асосида шартнома бўйича ишлаш мумкинми? Агар шундай бўлса, бу ҳолат ишловчининг меҳнат дафтарчасига қайд этиладими?*

Нодир ШАРИПОВ,
Қашқадарё вилояти Китоб тумани.

Жавоб:-Амалдаги меҳнатга доир қонунларга мувофиқ ишбай асосида ишловчи ходим билан корхона раҳбари, албатта, меҳнат шартномасини тузиши керак.

Шартнома тузилгач, корхона раҳбарининг шу келишувга доир буйруғи чиқарилиши шарт. Шундан кейин шартнома асосида ишловчининг меҳнат фаолияти, яъни ишлаган даври меҳнат дафтарчасига қайд этилади.

Қимматли қоғозлар бозори

МОЛИЯ

Жамғармаларни тўплаш, уларни иқтисодиётга инвестициялаш ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун молия активларига айлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган қимматли қоғозлар бозорининг ўрни беқиёсдир. Айниқса, давлат қимматли қоғозлари ушбу бозорнинг энг ликвидли ва ишончли дастаги сифатида намоён бўлади. Унинг мўътадил ишлаши учун етарли меъёрий ҳуқуқий шарт-шароит асослари яратилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Молия вазирлигига муомала муддати 1 йилдан 5 йилгача бўлган давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқаришга рухсат этилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан "Давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, тўлаш, муомалада бўлиши ва уларга хизмат кўрсатилиши тўғрисидаги низом" ишлаб чиқилди.

Давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари деганда ўз эгаларига номинал қиймати ва номинал қийматига берилган фоизли даромадларни олиш ҳуқуқини берувчи нақдсиз (электрон ёзувлар) шаклидаги давлат қимматли қоғози тушунилади. Мазкур давлат қимматли қоғози – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган тижорат банклари ва юридик шахслар ўртасида жойлаштирилади ҳамда кредитларнинг гаровли таъминоти ва РЕПО (қимматли қоғозларнинг қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди битими) битимларида олди-сотди объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин, номинал қиймати - 1000 сўм. Ҳозирги пайтда бу қимматли қоғоз ўз эгасига 15 фоиз йиллик даромад олиш имконини беради.

Давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларининг дастлабки чиқарилувини жойлаштириш юзасидан жорий йилнинг 28 апрелида республика валюта биржасида ўтказилган аукцион якунларига биноан 0,2 миллиард сўм ҳажмдаги пул мажбуриятлари инвесторлар ўртасида жойлаштирилди. Бугунги кунгача жойлаштириш бўйича ўтказилган 5 та аукционда жами 2,7 миллиард сўмлик, муомала муддати 18 ой бўлган ўрта муддатли пул мажбуриятлари сотилди. Шунингдек, мазкур қимматли қоғозлар қўшимча равишда иккиламчи бозорда жойлаштирилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у банк кредити тизимини тўлдиради ва ўзаро муносабатда бўлади. Тижорат банклари одатда кредитни муайян муддатдан ортиқ вақтга бермайди, қимматли қоғозлар бозори эса ишлаб чиқарувчиларга анча кўп миқдордаги пул маблағларини амалда исталган муддатга ҳамда банк кредитига нисбатан фойдалироқ шартларда жалб қилишга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, банклар фаолияти ва пул-кредит муносабатлари ҳақида фикр юритилганда республикамизда бу соҳани тартибга солувчи Марказий банк асосий ваколатли органдир. Унинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялари билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларидан бири – бу пул-кредит муомаласи орқали иқтисодиётни тартибга солиб туришдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, пул-кредит сиёсатини тартибга солишда қайта молиялаш ставкасини белгилаш, мажбурий захиралар фондига белгиланган миқдорда ажратмалар белгилаш, очиқ бозор сиёсати, валюта сиёсатини амалга ошириш ва бошқа омиллар алоҳида аҳамият касб этади.

Тижорат банклари қимматли қоғозларни сотиб олиши учун Марказий банк томонидан фойдали фоизлар (фоизсиз қимматли қоғозлар бўйича эса маълум миқдорда маржа) таклиф этилади. Марказий банк қимматли қоғозларни сотса, муомалада пул массаси қисқаради.

Республикамизда очиқ бозор операцияларини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Марказий банк томонидан ломбард кредитлар бериш, ҳукумат ёки Молия вазирлиги қарз мажбуриятлари (ДҚМО ва ўрта муддатли пул мажбуриятлари) асосида РЕПО битимлари тузади ҳамда ўз қимматли қоғозлари: депозит сертификатлар, облигациялар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш устидан масъулиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, республикамиз ҳукумати ҳамда Халқаро Валюта Фонди томонидан иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича имзоланган Меморандумга мувофиқ пул-кредит сиёсатини амалга оширишда очиқ бозор операцияларидан фойдаланишга эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 2002 йили юридик шахсларга мўлжалланган 2,0 миллиард сўмлик ва жисмоний шахсларга эса 1,0 миллиард сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилган бўлса, 2003 йили мазкур қимматли қоғозларнинг 9,5 миллиард сўмлиги сармоядорларга, аҳолига сотилди.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган "Монетар сиёсатнинг 2004 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари"да банк тизимининг молиявий воситачилик ролини янада чуқурлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва очиқ бозордаги, шу жумладан иккиламчи бозордаги операцияларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада Марказий банкда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Марказий банкда шу йилнинг май ойидан Монетар операциялар департаменти фаолият кўрсата бошлади. Бу ўз навбатида, шубҳасиз, пул-кредит тизими бозор иқтисодиётига мос равишда юритилишида ўзининг ижобий самарасини беради.

Ўткир ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Аяган кўзга... чўп тушмайди

Электр – ҳаёт учун бирламчи зарурат даражасидаги беқиёс мўъжиза. Усиз фан ва техника тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамият ва оиланинг маиший турмушида фаровонлик мумкин эмас.

Ҳаётнинг бу даражадаги тақозоси энергетиклар зиммасига жуда катта мажбурият юклаган. Жорий йилнинг I чорагида энерготизимдан 695 миллион 350 минг кВт соатдан ортиқ электр энергияси қабул қилиб олинди. Вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси 610 миллион 470 минг кВт соатга яқинини истеъмолчилар эҳтиёжи учун "Наманган электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятига етказиб берди.

Хонадон ва хиёбонларнинг нурли бўлишига, корхона ва қурилишларнинг гуркирашига, дала ва боғларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи ток айни чоғда кўзга кўринмас хатардир. Ва бунинг олдини олиш бизнинг тизимда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Республика ҳукумати ва "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 5 июлда тасдиқлаган "Электр тармоқлари ва қурилишларни ҳимоя қилиш қоидалари"га оғишмай амал қилиш бешикаст ишлашимизнинг асоси бўлмоқда. Барча масъул ходимларга "Меҳнат муҳофазаси" (1993 йил 6 май) қонунига амал қилишлари мажбурий экани етказилган. Шунингдек, "Ўздавэнергоназорат" агентлигининг "Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан иш ташкил қилиш қоидалари"га (2002 йил 10 сентябр) қатъий амал қилинмоқда.

Ана шулар ва бошқа ҳужжатлар талабига биноан Наманган магистрал электр тармоқлари корхонасида иш жойлари тасдиқланган ойлик жадвал асосида масъул навбатчилар томонидан мунтазам текшириб борилмоқда. Яқинда барча бўлинмалардаги ҳимоя воситалари, махсус кийим ва пойабзаллар таъминоти масаласини қайтадан кўриб чиқдик. Меъёрий ҳужжатларга асосан махсус иш кийими билан 377 киши ва махсус пойабзал билан 219 ходим тўла таъминланди (2003 йили худди шу мақсадлар учун 14,5 миллион сўм маблағ сарфланган). Иш жойларида зарур бўлган ҳимоя воситалари барча объектлар бўйича бирма-бир кўриб чиқилиб, тахлил қилинди ва етишмайдиган қисмини тўлдириш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Корхонамизда ходимларнинг билим ва малакаларини мунтазам синаш учун махсус комиссия иштирокида ҳар ҳафтанинг пайшанбасида имтиҳон ўтказилади. 2004 йилнинг I чорагида хавфсизлик техникаси бўйича 120 нафарга яқин ходимнинг ва электр қурилмаларини экспулатация қилиш юзасидан юз нафар мутахассиснинг билими синаб кўрилди.

Наманган магистрал электр тармоқлари (МЭТ) тизимидаги таркибий бўлинмалардаги "тор жойлар" рўйхати қайта кўриб чиқилди. Уларнинг миқдори шу йил май ойида 9 тани ташкил этди. Ҳозир бизда 5 та техник-ўқув хоналарида дастур ва жадвал асосида иш олиб борилмоқда. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимига биноан уч поғонали назорат йўлга

қўйилди.

Энерготизимда 20 майдан 20 июнга қадар давом этадиган хавфсизлик техникаси ойлик кўригидан мақсад ҳам шикастланиш ва кўнгилсизликларнинг олдини олишдир. Ҳар ойда МЭТнинг икки объектида "Меҳнат муҳофазаси" ва хавфсизлик техникаси бўйича "Ўздавэнергоназорат" дастурига асосан текшириш ўтказилиб, жумладан, жорий йилнинг I чорагида 127 иш жойида 177 та камчилик борлиги аниқланган эди. Хавфсизлик техникаси ойлик кўригида ана шундай нуқсонлар бартараф этилмоқда, уларни такрорламаслик чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бу кўрикнинг бош мақсади меҳнат, ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш. Кўрикни намунали ва самарали ўтказиш учун МЭТ раҳбарияти томонидан 15 банддан иборат тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Бу ҳақда махсус буйруқ чиқарилиб, бўлим ва хизматлар учун мурожаатнома ва эълонлар ташкил қилинди. Хавфсизлик техникасига амал қилиш энергетика тизимида мавсумий юмуш эмас, у доимо бизнинг эътиборимизда. Айни кунларда ушбу жабҳада давом этаётган ойлик кўрикнинг энг қиммати ва зарур жиҳати шуки, биз шу муносабат билан ишларимизнинг сифат ва самарадорлик даражасини сарҳисоб қилиб оламиз. Турли ўқув машғулотлари бу борадаги малакаларни оширишга яхшироқ хизмат қилади.

Чунончи, ойликнинг дастлабки кунларида Фарғона диспетчерлик хизматининг катта диспетчери Ҳасанбой Сатторов иштирокида 220 кВ.ли "Оби ҳаёт" нимстанциясида авария ва ёнғинга қарши амалий машғулот ўтказилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишончли вакиллар билан 2 июнда махсус дастур асосида семинар ва 5 июн куни усталар, иш юритувчилар иштирокида иш ташкил қилиш лойиҳаси ва технологик хариталар билан ишлаш бўйича амалий машғулот бўлиб ўтди.

Хавфсизлик техникаси ойлик кўриги бошлангандан буён 14 та иш жойи текширилиб, далолатномалар тузилди. Бу тадбир дастурига кўра меҳнат муҳофазаси бўйича ишончли вакиллар ва автокранлар билан ишлашда хавфсизликка масъул бўлган жавобгар шахслар ҳам ўқитилди. Кўрик якунлари бўйича алоҳида фотоальбом тайёрланади.

Бизнинг ишимизда тарғиботташвиқотнинг аҳамияти катта. Мана шу ойлик кўрик давомида энергетиклар истеъмолчилар ҳузурида бўлганда ўзига хос тарғиботчи вазифасини ҳам адо этадилар. Негаки, ток билан ишлаш ҳамманинг кўлидан келадиган оддий иш эмас, у ниҳоятда хавфли ва фақат мутахассиснинг вазифасидир. Буни уйда ва ишхонасида ўзбошимчалик билан "монтёрлик" қилаётганлар яхши билмоқлари лозим. Зеро, бу борада эҳтиёт бўлишнинг фойдаси ҳар кимнинг ўзига тегади.

Истак шуки, сув ва ҳаводай зарур электр фақат яхшилик учун хизмат қилсин, ундан энергетик ҳам, истеъмолчи ҳам – ҳеч ким шикастланмасин. Бизнинг тизимда давом этаётган техника хавфсизлиги ойлик кўригининг бош мақсади ана шу.

Абдураҳмон МАМАЖОНОВ,
Наманган вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси директори.

ЭҲТИЁТ-ШАРТ

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ
ОАО "O'ZDON"

Юридический адрес: -г.Ташкент ,ул.Шахрисабзская 3

Существенный факт – 05 начисление дивидендов:

Вид ценных бумаг:- акция простая, именная, безналичная - серия Q-O140 -T2.

- акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-0140-T2;

Дата принятия решения – 07 июня 2004 года. Дата выплаты дивидендов – с 08.06.04г. по 07.08.04 г..

Орган принявший решение о выплате дивидендов по акциям – Общее собрание ОАО "O'ZDON".

Размер начисленного годового дивиденда на 1 акцию:

На привилегированную акцию -100%, на простую акцию -92%.

Общее количество акций: привилегированных акций-1739 штук, простых акций – 57613 штук.

Форма выплаты дивидендов – денежными средствами.

Существенный факт – 09 решение Общего собрания:

Заслушав и обсудив вопросы вынесенные в повестку дня, Общее собрание акционеров ОАО "O'ZDON" единогласно постановило:

1.Утвердить отчет Правления Общества по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2003 год и признать работу Правления удовлетворительной.

2.Утвердить бухгалтерский баланс и отчет о прибылях и убытках за 2003 год

3.Утвердить заключения аудитора и Ревизионной комиссии за 2003 год.

4.Согласиться с предложениями Наблюдательного Совета Общества о распределении прибыли и размера дивидендов Общества за 2003 год и определения порядка и сроков выплаты дивидендов, а именно:

Из полученной Обществом за 2003год прибыли 91018 тыс.сум, на развитие Общества 36275 тыс.-сум и 54 742 ,96 сум направить на выплату дивидендов:

- по простым акциям 53003,96 тыс.сум или 920 сум на каждую акцию;
- по привилегированным акциям 1739 тыс.сум или 1000 сум на каждую акцию. Выплату дивидендов произвести в течении 2 месяцев после Общего собрания.

5. Утвердить аудитором Общества аудиторскую фирму АКФ "Maslahat-Harakat" и предельный размер ее услуг не выше 1 млн.сум. Поручить Наблюдательному совету и Правлению Общества заключить договор на 2004 год.

6. Утвердить Бизнес-план Общества и смету расходов и доходов на 2004год. Предоставить Правлению Общества право вносить изменения в смету доходов и расходов исходя из производственной необходимости с учетом проводящихся экономических реформ в республике и фактических затрат необходимых для выполнения предусмотренных работ.

7.Утвердить отчет Председателя Наблюдательного Совета по итогам деятельности за 2003 год и признать работу Наблюдательного Совета удовлетворительной.

8. Утвердить кандидатуры, предложеные Наблюдательным советом в Ревизионную комиссию и Наблюдательный совет .

9.Утвердить решение Наблюдательного совета о продлении на 2004 год договора найма с Председателем Правления

10.Утвердить Положения об органах управления и ревизионной комиссии в новой редакции.

Существенный факт –10 – изменение в составе Наблюдательного совета

Избраны в Наблюдательный Совет:

Наименование организации	Ф.И.О.	Доля участия в уставном фонде
ГАК "Уздонмахсулот"	Сармонов Ганижон Дехканович	8,4 %
СП "Тураз"	Исмаилов Али Фариманович	1,7%
ТОО " Астык-Трейд"	Наурызбаев Гали Даулетьярович	25%
РСАКБ "Галла-банк"	Дакибаев Баходир Абдувалиевич	11,1%
ОАО "О'АНМ" "Уздонмахсулот"	Иванникова Татьяна Васильевна	1,7%

Дата в которой произошли изменения в составе Наблюдательного совета общества- 07 июня 2004 года.
Уполномоченный орган эмитента, принявший решение – Общее собрание акционеров.

Список аффилированных лиц ОАО "O'ZDON".

Ф.И.О.	серия	№ паспорта	Кол-во ценных бумаг	Простые акции	Привилегированные акции
Кадыров Бахтиер Маликович	CA	1273968	255	100	155
Осипов Виктор Анатольевич	CA	0730317	180	33	147
Шаякубов Шамахмуд Шаюсупович	CA	0463048	125	19	106
Сармонов Ганижон Дехканович	CL	0436059	5000	5000	0
Исмаилов Али Фариманович	CA	1737151	1000	1000	0
Наурызбаев Гали Даулетьярович		2390919	14838	14838	0
Иванникова Татьяна Васильевна	CA	0123114	1000	1000	0
Дакибаев Баходир Абдувалиевич	CB	813283	6604	6604	0

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОҲИБЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ?

МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин.

"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва 6 йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти. Пуркагичларни мақбул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олиш мумкин. Қўшма корхона шундай пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.
Мўлжал – Шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.

Кўчмас мулк - бебаҳо бойлик

Мулкдор. Назаримизда бугун бу тушунчага ортиқча таъриф тавсифнинг ўзи керак бўлмай қолди. Одамларимиз орасида бойиб бораётган, мулк ҳиссини туяётганлар кўпайиб бораяпти. Қайсидир фермернинг Франциядаги Эйфел минораси ёнида тушган сурати бундан бир неча йиллар олдин қулоқдан-қулоққа ўтиб шов-шувга айланган бўлса, бугун океан ортидан тортиб Мисргача, Туркиядан тортиб Япониягача, хуллас, саёҳатга чиқаётган, дунё тажрибасини ўрганиб қайтаётган мулкдорларни эшитсак, дилдан қувонамиз.

Мустақилликка эришилган дастлабки йилларданоқ, ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига кенг йўл очиб берилди.

Бундан ўн йил муқаддам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг келгусидаги устивор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилингандан сўнг, Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ўз фаолиятини бошлаганди. Хўш, шу вақт ичида у иқтисодиётимиздаги ўзгаришларга қандай улуш қўшди? Келинг, икки оғиз шу ҳақда сўз юритсак.

Биржа юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда. Айни пайтда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги бўлинмаларида 159 дан зиёд брокерлик идоралари мавжуд бўлиб, унда 200 нафарга яқин брокерлар фаолият юритмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бозор инфратузилмаси субъектлари олдига қўйилаётган вазифаларни бажаришда ана шу соҳа вакилларининг ҳиссаси алоҳида ажралиб туради.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида бўлиб ўтаётган биржа савдоларида сотилаётган мулкларнинг умумий баҳоси йилданйилга сезиларли ошиши кузатилмоқда. Ўтган йиллар давомида Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан хусусийлаштирилиши белгиланган 83 мингга яқин давлат объектлари РКМБ ва унинг тизими савдолари орқали нодавлат мулк шаклига ўтказилди.

Масалан, 1994 йили 403 та объект 258 миллион сўмга сотилган бўлиб, унинг аксарияти(247 таси маиший хизмат шохобчалари) давлат объектлари эди. 1996 йили сотилган мулкларнинг 11018 таси давлат объектлари бўлиб, сотув ҳажми 783,74 миллион сўмдан ошди. Аҳолига 7184 та ер майдони 130,35 миллион сўмга сотилди. Эътиборли томони шундаки, ўша йили кўчмас мулк савдосига чет эллик сармоядорлар ва қўшма корхоналар ҳам жалб этилди. 2000 йилга келиб, умумий савдо ҳажмида давлат объектлари улуши 27 фоизга тенг бўлди.

БИРЖА

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга эътибор кучайтирилганлиги туфайли умумий савдо ҳажмида давлат улушининг сезиларли ўсишига эришилди. 2003 йил натижалари бўйича давлат объектлари улуши 37,2 фоизни, 2004 йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 44,7 фоизни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарори асосида узоқ муддат савдоларда сотилмай турган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхона ва объектлари учун улар нархини босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаш белгиланганди. Бу борада қўлланилган чора-тадбирлар сотувни жадаллаштириш имконини берди. Масалан, шу кунгача умумий қиймати 2,2 миллиард сўмга яқин 320 дан ортиқ корхона ва объектларнинг сотуви юқорида келтириб ўтилган қарор асосида амалга оширилди.

Ўтган ўн йил ичида умумий қиймати 86 миллиард сўмдан зиёд бўлган 132000 дан зиёд мулк биржа савдолари орқали сотилган бўлса, шундан 30,5 миллиард сўмлик қисми давлат объектлари ҳисобланади.

Хўш, бу натижаларга қандай қилиб эришилмоқда? Аввало, айтиб ўтганимиздек, юртимизда биржа савдосини ривожлантиришга ҳукуматимизнинг алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мана шу натижалар қўлга киритилмоқда. Қолаверса, Давлат мулк қўмитаси биржаларида фаолият юритаётган мутахассислар ҳамда биржа савдоси профессионал иштирокчиларининг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Биржалар – ҳозирги замон талаблари асосида ривожланган эркин уюшган бозорнинг бир кўринишидир. Бугун мулк ҳақиқий эгасини топмоқда, одамларимиз орасида мулкдорлар сафи кенгайиб бормоқда.

- Ютуқлар ўзимизники. Қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина, - дейди биз билан суҳбатда РКМБ раиси А.Ймомалиев. - Келгусида жойлардаги брокерлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ишини яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Кўчмас мулклар савдоси иштирокчиларининг бир жойнинг ўзида воситачилик, брокерлик, дилерлик хизматларидан ташқари, биржа қошида ҳуқуқий ва нотариал, банк, молия, баҳолаш, консалтинг ва бошқа ихтисослашган тузилмалар хизматидан кенгроқ фойдаланиш орқали республикамиз ва хорижлик сармоядорларга самаралироқ хизмат кўрсатишни ташкил этиш зиммамиздаги долзарб вазифалардир. Республика Кўчмас мулк биржасининг келгусидаги фаолиятида мана шу жиҳатлар кенг йўлга қўйилса, ўйлаймизки, бу - республикамиз биржалар фаолияти ривожланишида муҳим ижобий ўзгаришларни олиб келади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ИҚЛИМ

Об-ҳаво қандай бўлади?

Республика гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 11-14 июн кунлари юртимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. 12-13 июнда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Бошқа ҳудудларда ёғингарчилик бўлмайди.

Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсиб, баъзи жойларда унинг тезлиги 15-20 м/с га етиши мумкин. 11-13 июн кунлари ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Шу кунлари ҳарорат республикамиз жанубида кечаси 21-26, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. 14 июнда эса 33-38 даража иссиқ бўлиши башорат қилинаётир.

ПИЛЛА:

Мавсум чўзилди

"Ўзбек ипаги" уюшмасидан олинган маълумотга қараганда, шу кунга қадар 16 минг 384 тонна пилла хом ашёси топширилди. Бу режанинг 91,7 фоизи уддаланди дегани.

Ҳосилдорлик ҳар қути ипак қуртига 48,1 килограммга тўғри келаётир. Ўтган йилги ҳолат билан таққослайдиган бўлсак, айни кунгача 13383 тонна пилла топширилганди. Шартнома шартларини Жиззах, Фарғона, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларигина ҳали бажаришгани йўқ.

Уюшма мутахассиси Қаҳҳор Ёвқочдиев мавсум чўзилишини қуртларнинг озуқа манбаи – тутзорларда зараркунандаларнинг кўпайиши ва айрим тоғли туманларда ипак қуртини жонлантиришга кечроқ қўйилгани билан изоҳлади.

Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.

ХАБАР

Чорвадорлар кўнгли чоғ

Нурота туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигига қарашли Саиджон Эшон номли кўрғонида Навоий кон-металлургия комбинати ёрдами билан 4 чақирим масофага қувурлар ётқизилиб, чўпону деҳқоннинг хонадонида "зангори олов" ёқилди.

Эндиликда 400 га яқин хонадондаги уй бекалари газдан фойдаланадиган бўлишди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

«АГРОТЕХХИЗМАТ-ММТП» МЧЖ

Сотилади:
ТТЗ-80.11., ТТЗ-80.10., МТЗ-80Х, Т-28х4, ДТ-75, Т-4А русумли тракторлар ва уларга эҳтиёт қисмлар.

Сотиб оламиз:
Янги ва таъмирталаб ТТЗ-80.11., ТТЗ-80.10., МТЗ-80Х, Т-28х4, ДТ-75, Т-4А русумли тракторларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини.

Тўловлар — пул ўтказиш йўли билан.
Маҳсулот сифати кафолатланган.

Тел.: 144-90-47, 144-05-42. Факс: 144-16-46.

«Давинком» Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши ва давлат активлари эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати

№	Ҳудуд	Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи	Низом жамғармаси (сўм)	Номинал (сўм)	Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона)	Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%)	Бир дона акция баҳоси, (сўм)	Бошланғич таклиф баҳоси, минг сўмда
		"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси						
1	Тошкент шаҳри	<Ташкентское производственное обувное об-е>	23 531 898	3 027	1 944	25,01	30 844,91	59 962,51
		"Ўзкоммуналхизмат" агентлиги						
2	Тошкент шаҳри	<O'ZKOMMUNENERGOSOZLACH>	7 414 000	1 000	1 854	25,01	6 813,11	12 631,51
		"Ўзсувқурилиштранс" уюшмаси						
3	Наманган вилояти	<2-сонли автокорхона>	49 169 943	1 269	4 083	10,54	2 906,64	11 867,81
		"Қизилқумкамёбметаллолтин" ДК						
4	Навоий вилояти	<AVTOTRANSSTROYMEXANIZATSIYA>	73 878 000	2 000	7 649	20,71	17 482,66	133 724,87
		"Ўзбекэнерго"ДАК						
5	Бухоро вилояти	<Buxoro elektr tarmoqlari>	4 448 690 000	10 000	200 191	45,00	13 341,52	2 670 852,23
		Ўзбекенгилсаноат						
6	Андижон вилояти	<Асакатекстиль>	69 778 400	800	21 806	25,00	6 994,32	152 518,14
		Ўзёғмойтамакисаноат						
7	Тошкент шаҳри	<TEMIRCHI>	75 621 600	100	416 804	55,12	241,06	100 474,77
		"Маҳаллий саноат" АК						
8	Хоразм вилояти	<Шовот маиший хўжалик буюмлари фабрикаси>	26 436 000	1 000	14 728	55,71	1 225,44	18 048,28
		Ҳокимиятлар						
9	Қорақалпоғистон Республикаси	<305 сонли ХМКК>	3 548 090	1 274	696	24,99	15 438,37	10 745,11

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32

Рақобат бор жойда...

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар сингари қишлоқ ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги қишлоқда мулкчиликнинг турли кўринишлари асосан хусусий мулк муносабатларига асосланган. Қишлоқ хўжалиги хом ашё етиштирадиган соҳадан аста-секин тайёр маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Моддий манфаатдорлик одамларнинг нафақат мулкка нисбатан, уларнинг онги ва тафаккурига, дунёқарашига, ўзининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янгича кўришига ҳам ижобий таъсирини ўтказмоқда.

ИНТИЛИШ

Шу ўринда фермер хўжаликлари қўлга киритаётган ютуқларини таъкидлаш жоиз.

Маълумотларга кўра, 2003 йилда 43 мингта кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган. Фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сони 22,5 фоизга кўпайган ва улар сони 117,2 мингтага етган.

Мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 375,4 мингта янги ишчи ўринлари яратилиб, шундан 134,2 мингта ўрин кичик бизнес корхоналари, 113,8 мингта ўрин – деҳқон ва фермер хўжаликлари, 127,4 мингта жой якка тадбиркорлик субъектларига тўғри келади.

Албатта, инсон ўзи яшаб турган макон равнақи учун куч-қувватини, ақлзаковатини ишга солишга, бу билан ўз турмушига фаол таъсир кўрсатиб, уни ўзгартириб боришга интилади. Бу ерда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки жараён: турмушнинг инсон онгига ва инсон онгининг ҳаёт тарзига таъсири намоён бўлади. Инсонга муносиб турмуш тарзи, зарур шарт-шароит яратиш ижтимоий аҳамиятга молик масала. Юқоридаги баён этилган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, қишлоқ кишиси ҳаётини ўзгартириш ва уни янгилаш жамиятни ўйғун ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Бугунги бозор муносабатлари шароитида инсон манфаатлари устуворлик касб этиши иқтисодни ривожлантиришнинг муҳим асоси эканлигини кўрсатмоқда. Иккинчидан, бугунги қишлоқ ҳаётини ўзгартиришда, унда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда фаол субъект сифатида иштирок этмоғи унинг олдида турган асосий вазифадир.

Айни пайтда муаммонинг энг муҳими ишсизлик ҳисобланади. Шу боис, аҳолини иш билан таъминлаш, янги ишчи ўринлари ташкил этиш масалалари долзарблиги билан ажралиб туради.Ўтган йили ҳар ойда иш сўраб мурожаат этганлар 35,9 минг кишини ташкил этганлиги ҳам масаланинг долзарблигидан далолат беради. Бу борада ҳам қишлоқнинг салмоғи ортганини кўриш мумкин. Иш сўраб, мурожаат этганларнинг аксарияти, яъни 73,5 фоизи қишлоқда яшовчилар экан.

Аҳоли йилдан-йилга кўпайиб бораверади. Шу маънода аҳолининг иш билан таъминланиши жуда муҳим. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқда социал ва хизмат кўрсатиш янгича асосда йўлга қўйилаётганлиги қувонарли. Мисол учун, хизмат кўрсатиш мутлақо янгича асосларда амалга оширилаётганлигини, бу соҳада ҳам хусусий секторнинг улуши ортаётганлигини келтириш мумкин. Моддий манфаатдорлик хизмат кўрсатиш масъулиятининг аста-секин ошишига туртки бермоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро рақобат муҳити пайдо бўлмоқда.

Равшан ЭШЧАНОВ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан якка тартибдаги тадбиркор "ABDUSAGATOV SHUXRAT SHUKUROVICH" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный круглый печать, выданный РОВД Мирабадского района г.Ташкента в 1994 г. на фирму "Азия-Экосервис", считать недействительным.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 186-ўрта мактаб томонидан 1981 йили Адылов (Магдалиев) Бурхон Одилович номига берилган серия -Г N 672053 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йил 29 январда Ниёзов Гайрат Маннапович номига берилган ЖШ № 001372 (рўйхат рақами 332/03) рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи қайд этилган рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ДСИ томонидан 2003 йил 5 майда Абдурахмонова Дилбар Қурбоновна номига берилган №467 рақамли товар операциялари ва даромадларни рўйхатга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ФЕРМЕРЛАР, ИССИҚХОНА ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Минерал ўғит – кальций нитрати (кальций селитраси) арзон нархда сотилади. Тошкентдаги телефон: 134-69-13.

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТИ СОТИЛАДИ

"ЎЗГАРИШАГРОТАЪМИНОТ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗ КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БЕДА ПИЧАНИ, БУҒДОЙ СОМОНИНИ БОҒЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАХСУС ПОЛИПРОПИЛЕН ИП-ШПАГАТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

БУНДАЙ ИПЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗГА ДАРОМАД ҚЎШИБ, БУҒДОЙ МАЙДОНЛАРИДАН СОМОННИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШИНГИЗГА КЎМАК БЕРАДИ. МАХСУС ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАР БИЛАН ҒАРАМЛАНГАН СОМОНЛАР ЧОРВА МОЛЛАРИ УЧУН ҚИШДА АСҚОТИШИ ТАБИИЙ.



ПОЛИПРОПИЛЕН ИПЛАРНИ НАҚД ПУЛ ЁКИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲАР, КАМОЛ ШАРИПОВ КЎЧАСИ, 5-УЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: 79-85-01, 79-85-02

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

"Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади:

"Автомакон" савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрдан бўлган, қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари биржа савдоларига ҚЎЙИЛГАН:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- "DAEWOO" авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто улов аксессуарлари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- "ГАЗ", "ВАЗ" ва "Москвич" авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- авто шина ва ғилдираклар.

Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси – 3000000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Моваруннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz.

ХАЛҚ БАНКИНИНГ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ ЖЎНАТИШ ХИЗМАТ ТУРИ

Республикамизнинг исталган ҳудудига пул ўтказмоқчимисиз?

Бунда сизга Халқ банкининг филиалларо "ТЕЗКОР" пул жўнатиш хизмати яқиндан ёрдам беради.

Сиз маблағингизни Халқ банкининг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.

"ТЕЗКОР" – ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.

Маълумот учун телефонлар: (371) 173-69-15, 173-69-16 (ички 126)

Бадном бўлган қиз

Қишлоқда дув-дув гап: Маҳмуд аканинг қизи Нафиса никоҳ тўйисиз кўшни қишлоққа келин бўлиб тушганмиш.

Оила учун бундан-да ортикроқ шармандачилик йўқ. Ахир фарзандини оқ ювиб, оқ тараган шўрлик ота-она оқибати шундай бўлишини истаганмиди?

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Аммо... Нафисанинг чимилдиққа кирмай туриб келин бўлиб тушгани рост эди. Бироқ бунда кимнинг айби бор? Қайси қиз ўзига шу кўйни раво кўради?

Ҳаммаси Нафисанинг қишлоқда ўтган тўйга борганидан бошланди. Опаси билан уйларига қайтишаётган маҳал анча кеч тушиб қолганди. Йўл четида бир шарпа кўринди. Яқинлашганларида Нафиса таниди.

"Баҳодир-ку,- хаёлидан ўтказди қиз. – Наҳотки мени кутиб турган бўлса?" Илгари ҳам Баҳодирнинг ўзига ғалати қараб, бир-икки оғиз кўнгил очганини эслаган Нафиса қизариб кетди. Шу аснода опаси "Уйимиз олдида нима қилиб турибсан? Бу ердан кет", деди йигитга. Баҳодир эса "Нафисада гапим бор", дея чайналди.

Қиз "Сиз бораверинг, ҳозир ортингиздан етиб бораман", дегач, опаси 20-30 одим наридаги уй томон кетди. Йигит эса Нафисага четроққа ўтиб гаплашишни таклиф қилиб, уни йўл ёқасидаги пахта даласига бошлади. Ҳеч нимадан шубҳаланмаган қиз далага 3-4 қадам кўяр-кўймас оёғига тушган зарбадан ерга қуларди. Баҳодир важоҳатда, ҳайвон қиёфасига кирган, нима қилаётганини идрок этмай Нафисани зўрлай бошлади. Қиз ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бақувват панжалардан чиқолмас, қўркув, уят ҳиссидан бақира ҳам олмас эди. Афсуски, Баҳодир ўзининг шум ниятига етди. Қиз бадном бўлди.

Уйга ҳолсизланиб, зўрға кириб келган Нафиса юм-юм йиғлаганча опасига бор гапни айтиб берди. Опаси эса отани воқеадан хабардор қилди. Ота ғазабланган кўйи Баҳодирнинг уйига йўл олди. Ортига эса бир энли хат билан қайтди. Унда Баҳодир ўз айбини бўйнига олиб, "Мен қизингизга уйланаман", дея ёзиб берганди.

Эртасига Баҳодирнинг онаси аммаси ҳамроҳлигида Нафисаларникига кириб келишди. Лекин совчи бўлиб эмас. Улар роса жанжал кўтаришиб, йигитнинг қизга уйланиши ҳақида гап ҳам бўлмаслигини қайта-қайта уқтиришарди. Бунга жавобан қиз томон Баҳодир ёзиб берган тилхатни кўрсатган эди, йигитнинг онаси уни йиртиб ташлади.

ТУРМУШ

Узоқ тортишувлардан сўнг йигитнинг онаси қизни уйига олиб кетишга рози бўлди. Нафиса шу тариқа ҳеч қандай никоҳсиз йигитнинг уйида 15 кун яшади. Аммо унинг кўнглига чироқ ёқса, ёришмасди. Йигитнинг онаси, аммалари уни ҳақоратлашар, гап билан аридек "чақиб-чақиб" олишарди. Ахийри улар "Уйдан чиқиб кет, жиянимиз барибир сенга уйланмайди... У жавобгар эмас, ўзинг осилгансан унга", дея ҳол-жонига қўймагач, Нафиса қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Йиғин раҳбари йигитнинг ота-онасини ҳузурига чақириб, қизни хўрламасликларини тайинлади, бироқ унинг сўзлари зиғирчалик аҳамиятсиз қолди.

Нафиса нима қилсин? Ўзини зўрлаб, номусига теккан йигит билан қандай яшайди? Қолаверса, бир қизнинг шаънини оёқ ости қилган зўравон нега жазоланмайди? Бундан ён-ва-ридагилар, бутун қишлоқ бохабар-ку, лекин негадир жим... Бунинг устига жамоатчиликнинг "Аризабозликни бас қилинглар, бўлар иш бўлди. Ғишт қолипдан кўчди. Икки ёш энди муроса қилиб яшашдан бошқа иложлари йўқ", дейиши ҳам ғалати. Ахир оила томонларнинг розилиги, ихтиёри билан қурилади. Қолаверса, жазобсиз қолган бир зўравонлик иккинчи зўравонликни келтириб чиқармайди, дейишга кафолат борми?

Яна бир жиҳат. Бугун ёшларимизнинг тарбияси борасида ҳар доим ҳам жўяли гап айтолмаймиз. Худди шундай, ушбу нохуш воқеликда ҳам айрим йигитлар ва қизларимизнинг орқа-олдини ўйламай бир сонияли роҳатфароғат учун тубанликка шўнғиб кетаётганликларининг бир учқуни акс этади. Қолаверса, Нафисанинг опаси сингари баъзи бепарво, гоҳо масъулиятни бир дақиқага унутиб қўядиганлар ҳам ёшларнинг бу йўлга киришларига сабаб бўлмаяптимикан, дейсан беихтиёр. Ҳар ҳолда қизнинг бу кўргуликка тушиб қолишининг олдини олса бўлар эди...

-Вилоятимиз туманларидан бирида рўй берган бу воқеани ҳикоя қилишдан мақсадимиз инсон ҳис-туйғулари билан ўйнашиш жуда ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррарлигини яна бир карра эслашдир,- дейди Бухородаги "Ойдин нури" аёллар инқироз марказги ходимаси М. Нарзиева.- Чунки аёл туйғуларини топташ эвазига оила шаънини асраб бўлмайди.

Истам ИБРОҲИМОВ

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Овулимизда Собир хўрозқандчи деган маҳалладошимиз бўларди. Раҳматли бўлиб кетган. Гапга жуда бало одам эди. Унча-мунча одамни сўзда қочирарди. Уйида хўрозқанд, ширинликлар тайёрлаб сотар, шунинг учун маҳалла болалари унинг эшигидан аримасди. Баъзан ёқалашаётган, ур-тўполон қилишаётган йигитларнинг устидан чиқиб қолса, зўравонига қараб Собир ака: "Нима, хўрозман деб чиранаясанми, ўзингни бос, сендақа хўрозларнинг кетига чўп тиқиб, беш тийиндан сотиб юбораман...", дерди ва урушқоқларни тарқатиб юборарди. Унинг мана шундай ҳангомалари одамлар оғзидан ҳалигача тушмайди.

Ёддан чиққан ... ёстиқдош

Собир хўрозқандчи (тақдирида битилган-да), жуда кўп уйланган. Ўн беш, ўн олти марта уйлангандир-ов. Негадир олган хотинлари беш-олти ой, нари борса бир йил яшардида, кетиб қоларди. Бу нарса шу даражада одат тусига киргандики, Собир хўрозқандчига навбатдаги ёстиқдош дарров топила қоларди.

Собир ака бир куни у-бу харид қилиш учун бозорга борибди. Бир жойда пиёз савдоси қизиётган экан, у ҳам навбатга турибди. Навбати келиб сумкасини ҳозирлаётган Собир ака пиёз сотаётган жувондан кўзини ололмай қолибди. "Кечирасиз, қариндош, шу... кўзимга жуда иссик кўринаяпсиз", деган экан, жувон кўзини олайтириб: "Ҳа, жувонмарг, танимадингми, дебди, мени олувдинг-ку?! (Менга уйланган эдинг-ку)". Одамларнинг қаҳ-қаҳасидан бозор ларзага келибди.

Хўрозқандчи бир пайтлар уйланиб, кўйиб юборган собиқ ёстиқдошини танибди-ю, қулоғигача қизариб кетибди.

Хидоят АҲМЕДОВ



ТРАФФИК

«Мен дардимни кимга айтаман?»

Аслида бу мавзуда сўз юритиш истагим йўқ эди. Чунки айни пайтда республикамизда чоп этилаётган қайси газета ёхуд журнални варақламанг, бир бора бўлса-да, бунга доир қарашлар, мулоҳазалар ва аксар ҳолларда таассуфларга кўзингиз тушади. Очиғи, бунинг янгилик сиёҳи ҳам қолмаган. Лекин... лекин менга яқинда дардини, аламларини тўккан бир кўнгилнинг оғриқларини бир четга сура олмаяпман. Ёзмасам, бўлмаяпти...

Атрофга қоронғулик чўккан эди. Хиёбонда кета туриб йиғи овозини эшитдим. Бир қиз йиғлаб ўтирган экан. Индамай ўтиб кетиш қўлимдан келмади.

-Нима бўлди, синглим? Ердам керакмасми?

Қиз йиғидан тўхтаб, менга бир қаради-да, юзини тескари ўгириб олди.

-Менинг ёмон ниятим йўқ, ишонинг... - негадир унинг ишончини қозонишга интилардим. – Салкам тенгдошмиз. Мен ҳам сизга ўхшаган бир қизман...

-Қорним оч, шундай деди-да қиз изиллаб йиғлаб юборди.

Яқин атрофдаги кафега кирдик... Қиз гўё мени унутгандек апил-тапил овқат ея бошлади. Мен эса унинг ғижим, кирлигидан ялтираб кетган кийимларини, тўзғиган узун сочларини, кирланган тирноқларини кўриб ичимдан зил кетардим. Лекин ҳорғинлик, юпунлик, ночорлик қиёфасида ҳам қизнинг жозибасини сезиш мумкин эди. Айни пайтда унинг нигоҳларида бефарқлик, совуққонлик учқунлари-да сезилиб қоларди.

-Дадам вафот этгач, онам иккимиз бир-биримизга суяниб қолдик, - қиз ниҳоят кўнглидан кечаётганларини айта бошлади. – Тошкентликман. Мактабда—ўқишларим яхши, Педагогика университетига ўқишга кирмоқчи эдим. Лекин боя айтганим – дадамдан ажраб қолгач, мен ҳам онамнинг ёнида Паркент бозорида савдо қила бошладим. Онам ўқишни ташлашимни хоҳламасди-ю, шароит оғирлигидан писта сотиб бўлса ҳам, пул топишимга қаршилик қилолмасди. Бироқ ҳар қадамимни кузатар, "Пул деб иффатни унутма. Мен сени оқ либосда остонадан кузатишни орзу қиламан. Пешонамда битта сенсан, инсофингни берсин", дерди доим.

Рисолат исмли ён қўшнимиз "Шу қизингизни ўзим келин қиламан...", деб уйимизга тез-тез кириб турар, онамнинг сирдошига айланиб улгурганди. Хуллас, мана шу... мени келин қилмоқчи бўлган аёл менинг ҳаётимни издан чиқарди. Шу аёл туфайли мен бадном бўлдим...

Қизнинг сўзларига қараганда, қўшни аёл кийим-кечак савдоси билан шуғулланар ва ҳар ойда бир марта чет давлатлардан бирида бўлиб қайтаркан.

-Бироз бетгачопар, шаллақилигини ҳисобга олмаганда, маҳалламизда ҳамма уни ишбилармон аёл деб биларди. Унинг нопок йўлда юрганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Эҳтимол, шунинг учун мени кўз қорачиғидай асраб ўстираётган онам унга ишонгандир. "Қизингизга тадбиркорлик сирларини ўргатаман. Менга ҳамроҳ бўлиб хорижга чиқиб келсин", деганида иккиланмай рози бўлгандир, қиз гўё кирлигидан ҳалгандек қўлларини стол остига яшириб олди.

Ҳақиқатан, тез орада қўшни аёл бу қизга сафар тадоригини кўришни буюради. Онаси эса аэропортда қизини кузатиб қолаётган чоғда ҳам қўшнисининг бу мурувватига шубҳа кўзи билан қарамайди.

-Таиландга бориб кўндик. Унча катта бўлмаган меҳмонхонага жойлашдик, - дея сўзида давом этади қиз. – Йўл-йўлакай негадир қўшнимнинг авзойи ўзгарганини сезиб, кўнглим ғаш тортди. Ҳозир кўп қизлар чет давлатларга алданиб олиб кетилгани ҳақида эшитганман, қайсидир газетада бу ҳақида ўқигандим ҳам. Наҳотки мен ҳам ўша қизларга ўхшаб қолсам, деб қўрқиб кетдим. Лекин "Бегонамас, қўшним-ку... Онамнинг сирдоши. Тағин келин қиламан, дейди. Агар мени кимларгадир сотса, онамнинг кўзига қандай қарайди? Жавобгарликни унутмаса керак", деган умид ҳам йўқ эмас эди. Афсуски, умидим синди. Мана шу аёл мени уришди, ҳақоратлади, урди ва ... фоҳишалик қилишга мажбурлади.

Орадан бир ой ўтгач, қўшни аёл бу қизни алдаб меҳмонхонага ташлаб кетади. Энди аёлнинг ўрнига бир эркак унга хўжайинлик қила бошлайди. Ана шу эркакнинг измида азобланиб яшаётган қиз ахийри меҳмонхонадан қочиб кетишга муваффақ бўлади.

-То юртимизга келгунча қандай кунларни бошимдан ўтказмадим...- Эслагим ҳам келмайди.

Ҳаётни севардим, орзуларим кўп эди. Ҳамма-ҳаммаси олисда қолиб кетди. Энди... нафрат, аламдан бошқа юрагимда ҳеч қандай ҳис йўқ, -қизнинг яноқларини кўз ёшлари тинмай юварди. – Тўрт ойдан буён онамни кўрмадим. Тошкентга келганимга уч кун бўлди. Уйим ҳам бу ердан узоқмас. Лекин... онамнинг ёнига боролмаяпман. Мени бу аҳволда кўриб адойи тамом бўлади.

-Қўшни аёл қайтиб келдимикан? – қизга бошидан ўтганлари ва айни пайтда жумбоқ бўлиб туюлаётган айрим масалаларга доир саволларни бергим келади-ю, аммо ҳамсуҳбатимнинг қора кунларини тилга олишни истамаётгани шундоғам сезилиб тургани сабаб ортиқ ҳеч нима сўрамайман.

-Билмадим... Келган бўлса керак. Худо билади ўша аёл онамга мен ҳақимда қандай ёлғон айтди экан? Балки менинг дардимда онам...- қиз гапини тугата олмай ўкраб юборди.

Қизга ёрдам бериш шарт эди. Унга ёрдамим тегишли идораларга бу борада маълумот бериб, номус ўтида уйига бора олмай очликда ва саргардонликда юрган қизни бетоб ётган онасининг ёнига қайтариш бўлди. Фирибгар қўшни аёл қилмиши фош этилди.

Ким билсин, биз гоҳ эътибор қилиб, гоҳ эътибор қилмай шунчаки назар ташлаб қўяётган аёлларимиз, навниҳол қизларимиз орасида менга атиги бир соатгина ҳамсуҳбат бўлган қиз сингари кўнгли ўксик, алданган ва алданаётганлар қанча экан?!

Фарида МАҲКАМОВА,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Илм хосияти

ҚАДРИЯТ

Маҳалла оқсоқоли Фозилжон Усмонов катта-кичикка маслаҳат солди. Унинг маз-муни шу қишлоқлик Турсунбой (исми ўзгартирилган) чилангарнинг ўғлини уйлантириш ҳақида эди.

Чиндан ҳам кейинги пайтларда чилангарнинг қўли юпқалашиб қолди. Ўзи яқинда иморатини бутлаб, бош фарзандини уйлади. Яна иккитасининг бўйи етиб турибди. Айниқса, ўртанча ўғли хўп мўмин-қобил чиқди.

- Хулоса шуки, энди бир ёқадан бош чиқариб, қори боланинг тўйини ўтказайлик, - деди ота салмоқ билан, - бўлмаса нариги қишлоқдаги қавмлари ҳаракатни бошлашиб, бизни уялтириб қўйишлари мумкин.

Аслида кўтармаликлар табиатан ориятли, диёнатли кишилар. Шу боис ҳамма оқсоқолнинг фикрини якдил маъқуллади. Тўйга маблағ йиғишга обрўли кишилар бош қўшишди. Энг муҳими, ҳар ким худди ўзи элга ош берадигандай тараддудга тушиб қолган эди.

Аввалига маҳалла корига яраётганидан севинган Турсунбойнинг бир ҳафта ўтиб, феъли айниб қолди.

- Менинг терим юпқа, - деди фаолларга рўбарў келиб. – Хўп, бир кунлик тўй ўтар-кетар. Кейин умр бўйи миннатли ош таъми димоғимда туриб қолмасмикан?

Тўй ташкилотчилари одоб юзасидан оғиз очишмади. Ушлаган жойидан кесадиган, Ҳожи ака чилангарни ёнига чақирди.

- Гап бундай, - деди у ҳаммага бирма-бир қараб. – Аввало, маҳаллага раҳмат дегин. Энди дангалини айтсам, бу иш оилангнинг ночорлиги ёки маҳалладаги нуфузинг важидан эмас, илмнинг ҳурматидан қилинаяпти. Пайғамбар алайҳиссалом "Олим Аллоҳнинг ер юзидаги ишончли кишисидир", деганлар. Аллоҳнинг назари тушгувчи солиҳ бандага меҳр-мурувват кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади. Ҳадигинг мутлақо ўринсиз. Бунинг ўрнига шундай қобилиятли, одобли зурриёд берган Раббимга шукр келтиргин...

Турсунбой ҳамқишлоқлари саховатию илм кишисининг улуғланишидан хурсанд бўлди.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Хўжаобод тумани.

Гапга тушунадиган телевизор

ГУРУНГ

Синфдош дўстлар кўп йил ўтгач учрашиб қолишибди. Миқтидан келган шаҳарлик узун бўй оғайнисини уйига таклиф этибди.

– Э, Бадалбой, нима гаплар? – дея сўрабди мезбон.

Дўсти пиёласидаги чойни хўплаб, тирсагини стол чеккасига қўйиб гап бошлади:

– Янги уй қурдим, "Дамас" олдим.

Шаҳарлик тенгқурининг сўзларидан хурсанд бўлиб, уни алқабди-да, соддадил дўстини синаб кўрмоқчи бўлибди.

– Хабаринг борми, ҳозир гапга тушунадиган телевизорлар қулимсираб чиққан, - деди

– Э, бу мўъжиза-ку, - деб қувончидан кафтини кафтига урибди Бадалбой. – Миқтижон, кароматингни кўрсатгин.

– Кўп қўймадинг, майли, "карамат"имни кўриб кўй, - дебди шаҳарлик. – Дарозжон, ҳозир кўрсатувни тўхтатаман.

– Наҳотки! – дебди Бадалбой ҳайратланиб.

Миқтижон енги ичидаги пультни босибди-да, секингина:

– Дамингни ол, телевизор! – дебди.

Ойнаи жаҳон ўчиб қолибди.

– Епирай! – дея ёқа ушлабди Бадалбой.

– Энди ёқайми? – дебди оғайниси.

– Қани, қани? – дея безовталанибди Бадалбой.

Қадрдони билдирмай яна пультни босган экан, телевизор порлаб эшиттиришларини давом эттирибди.

Меҳмон жойидан қўзғалиб телевизор қутисининг атрофида айланибди.

– Э, э, тавба! – дея кўкрагига пуфлабди Бадалбой, - гапга тушунадиган телевизорни ҳам яратишибди-а.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Ҳасаднинг хатарли йўли

Ўзбеклар орасида бир-бирини қўлловчи ва сахийлар истаганча топилади. Бироқ, инсон қалбида аҳён-аҳёнда ҳасад уруғи ҳам уна бошлаганлигини сезиб қоламиз.

Бора-бора ҳасаднинг сўнгги манзили ўзгалар дилини вайрон қилиш эканлиги ҳамда жиноят кўчасига олиб киришининг гувоҳи бўламиз. Ундайларни бундай нобоп йўлдан қайтариш ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ҳасаднинг йўли қисқа ва хатарлилигини, бировга чоҳ қазиган одамнинг ўзи ўша чоҳга қулаши муқаррарлигини ҳаёт кўрсатган. Қуйидаги манзарага эътибор қилинг-а.

Кўшни бева аёл не-не машақатлар билан уч қизи ва бир ўғлини ўқитди, уйли-жойли қилди. Бир пайтлар бир тўғрам нонга ҳам зориқилган хонадонга барака инди. Ёлғиз ўғил уддабурон чиқди. Кўшни аёлга илгари маҳалладаги тўй-маъракаларда пойгакдан жой теккан бўлса, энди ҳамиша тўр уники эди...

Орзу-ҳаваслар билан ўғлини уйлантирди. Аммо ўғлининг бир жўрасининг ичи қоралик билан келинчакни енгилтабиат, "оёғи енгил"га чиқариши оқибатида ёш оила барбод бўлди, болаларининг роҳатини кўриш илинжидаги қўшним умидлари синди. Ҳасад ва ёлғон-ку фош бўлди, қўшнимнинг келини уйига қайтди. Аммо кўнгил дарз кетса, бутланиши қийин экан. Рашк туфайли уруш-жанжал аримай қолган хонадондан файз кетди.

Турмушимизда шу сингари ноҳушликларга бот-бот дуч келамиз. Бунга эҳтимол, орамизда ҳавас билан яшаш қийин, дегувчилар оз эмаслиги сабабдир. Аммо ким бўлганда ҳам, ўзгалар бахтидан кўнгилда туғиладиган иллат ҳасаддан халос бўлишнинг ягона йўли иродага суяниш ва ҳавас остонасига интилиш эмасмикан?

Гайрат БОБОҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

ҲИКМАТ

Иззат ва шуҳратпарастликдан қочсанг зорлик ҳамда хорликка тушмайсан.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

Қўша қаришга не етсин...

Юз билан юзлашаётган фарғоналик Усмон ота Турсунназаров ва умр йўлдоши Ибодат буви.
Х.АРАББОЕВ олган сурат.

Ғузорлик Бахтиёр қадрдон ошнаси Маҳмуд билан ҳазиллашишни яхши кўради. Қаёқдандир бўлмағур гапларни топиб, унинг қитиқ патига тегаверади. Кўчада "Ошна, ошна" деб юргани билан Жўранинг уйига сира бормаган эди. Шу сабабли унинг аёлини ҳам кўрмаганди. Бир куни тасодифан ошнасиникига бориб қолди. Ҳовлида кўҳликкина аёл кир ювиб ўтирган экан.

"Хотинингиз бошқа эди-ку?.."

ҲАНГОМА

– Жўра қаёқда? Кеча шаҳарда бир қиз билан танишувди. Менга ошнангни топиб бер, деб қўймаяпти.

– Келинг, ака, ҳозир чақириб чиқаман. Ким сўраяпти, деб айтай?

– Чақиринг бу ҳини биладимиларнинг ўзи? – яна ҳазилашишда давом этди Бахтиёр.

Маҳмуд қишлоқда ўсган, ҳар қандай гапни жиддий қабул қиладиган аёли эса нотаниш меҳмоннинг сўзларини ажабланиб тинглар эди. "Наҳотки, рост айтаётган бўлса?". Ичкаридан уйқусираб оғайниси Бахтиёр чиқиб келди. Аёлининг бўлиб ўтган гаплардан тумтайиб, ерга қараб турганига эътибор ҳам бермади.

– Келинг, ошна. Қайси шамол учирди биз тарафларга? Келганингиз яхши бўлди-да. Бош оғриққа юз-юз оламиз.

– Бахтиёр, бу дейман, кеча бошқа бир аёл билан юргандингиз. Мана бу менинг аёлим, дегандингиз. Бугун уйингизда бошқа аёл ўтирибди.

Ҳеч нарсадан бехабар Маҳмуд кулиб юборди. Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаргиси келди.

– Энди шаҳарлик ёшроқ-да. Йигит кишининг икки хотини бўлади-да! – деди зўрға кулгудан тийилиб.

Аёли бўлса бу ҳазилга тушунмади. Сал вақт ўтиб, аёл "порт-лаб" кетди.

– Туринг, икковингиз ҳам ўша шаҳарликникига жўнанг...

Бахтиёр бир ой овора бўлиб уларни яраштирди. Ахир қалтис ҳазил туфайли эр-хотин ажрашиб кетишига сал қолди.

Жовли ХУШБОҚ

ҚИШЛОКДА ДУВ-ДУВ ГАП

Ўғри "қопқон"га тушди

Бир ҳафтаки, "Қишлоққа тулки оралаб, товуқларни олиб кетаётганмиш", деган гап ҳаммани хавотирга солиб қўйди.

–Кеча, Салима кампирнинг товуқхонасидан бир йўла бешта товуғини олиб кетибди, кирилгур, – дея куюниб эрига гап бошлади Гулзия хола.

–Онаси, тулки олиб кеттанини бирон киши кўрибдими, тағин ўғрининг иши бўлмасин, – деди хавотирланиб Пирназар ака.

–Наби "почта"нинг ўғли Акром бор-ку, ярим кечаси безовта бўлиб кўчага чиққан экан, узоқдан югуриб кетаётган тулкининг думини кўриб қолибди...

Кунлар шу зайлда ўтаверди, қишлоқда тулки бош суқмаган хонадон саноқли қолди. Пирназар ака, энди бизга ҳам навбат етиб келди-ёв, деб тулкини кутиб олишга қаттиқ тайёргарлик кўра бошлади. Кўшни қишлоқдаги Ўрол овчидан қопқон олиб келди. Қопқонни товуқхона эшиги ёнига "пистирма" қилиб жойлаштирди.

Орадан уч кунча вақт ўтди, ярим тунда қаттиқ чинқириқдан уйғониб кетган Пирназар ака эшикка югурди. Овоз товуқхона томондан келарди. Бориб не кўз билан кўрсинки, қопқонга тулки ўрнига тулкининг думини кўрган Наби "почта"нинг ўғли Акром илинибди.

Бу гап эртаси куни бутун қишлоққа тарқалди...

Толибжон ЭРГАШЕВ

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

"Пластинкани алмаштир"

Иброҳимжон Тошкентга кетди. Санаторийда дам олди. Қайтиб келса... дўсти Эркин уйланибди. Тўй ўтиб кетган. Иброҳимжон келди...

- Срочний бўб қолди... Тезлатиб юбордик... Меҳмон бор... Уйга киринг, - деди Эркин.

Иброҳимжон меҳмон олдига кириб, бирдан дўстига ҳазилни бошлаб юборди.

- Келиннинг сўзи ширинмикан, тили ширинмикан?!

Эркин гапни бурди:

- Тошкентликлар қандай экан? Баҳор буёғи...

- Тошкент зўр-да... Мазза қилиб дам олдим... Ўзинг-чи Эркин, ма-а-зз-а қилиб дам олаяпсанми, а-а?! – тагдор гап қилди Иброҳимжон.

Эркин яна чалғитмоқчи бўлди:

- Санаторийнинг путёвкасини топса бўладимикан? Нархи қанча экан?

Иброҳимжон деди:

- Дарров пулни сўрайсан... Соғлиқнинг ўзи бойлик. Мен беш йилдан бери трактордан тушмайман. Чарчаганимни дам олиб билдим. Сенга зўр. Институтни тугатдинг... Мана, уйланибсан. Отанг гулдай қизни қўйнингга олмадай қиб соп қўйибди... Оёғи енгилмикин ўзи?

Меҳмон йигит безовталанаверди.

Эркин қийналиб, хижолат бўлиб гапирди:

- Иброҳи-им... пластинкани алмаштир!..

Иброҳимжон ҳеч нарсани тушунмади:

- Эркин... сендан келинлар сепадиган атирнинг ҳиди келяпти-ей... Қоронғуда бир-бирларингни топаяпсизларми, дейман...

- Бу йигит... келиннинг... акаси... акаси, - деди Эркин.

- А-а?! А-а?! Ҳа-а...

Иброҳимжон танг қотди... Кўзини қаёққа қадашни билмасди...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

Германияга дадил илк қадам

9 июн куни футбол бўйича 2006 йил Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси жамоаларининг саралаш учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентдаги "Пахтакор" марказий ўйингоҳида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўз гуруҳидаги пешқадам фаластинлик футболчиларга қарши майдонга тушди.

Учрашувга пухта ҳозирлик кўрган Равшан Ҳайдаров етакчилигидаги футболчиларимиз бу сафар ўзгача тактика асосида ҳаракат қилиши дастлабки дақиқалардан ўйинчиларнинг майдондаги жойлашувидан яққол сезилди. Янги услубга кўра, ҳар доимги бир чизиқли ҳимоя Фаластин терма жамоасига қарши учрашувда қўлланилмади. Олдинги учрашувларда ўнг қанот ҳимоясида ҳаракат қилган Асрор Аликулов бу сафар ҳимоячилардан олдинроқда, яъни рақиб ҳужумларини тўхтатиш учун таянч ҳимоячи вазифасини ўтади. Ҳимояда эса Олег Пашинин, Бахтиёр Ашурматов, Алексей Николаевлар бутун учрашув давомида ишончли ҳаракат қилишди. Майдон марказида эса Миржалол Қосимов етакчилигида Темур Копадзе, Виктор Карпенко, Андрей Акопянц каби футболчиларга ишониб топширилди. Ҳужумда эса сўнгги вақтларда ўзининг ажойиб ўйинлари билан терма жамоамиз асосий ҳужумчисига айланиб бораётган Владимир Шишелов ва "пахтакор"чи Анвар Солиев тўп суришди.

Учрашув тафсилотларига тўхталсак, дастлабки дақиқадаёқ ҳамюртларимиз хавфли ҳужум уюштиришди. Лекин сўнгги зарбани йўллашда футболчиларимизга аниқлик етишмади. Шундан кейин ҳам устунлик Равшан Ҳайдаров шогирдлари томонида бўлди. Ўйингоҳда йиғилган мухлислар ҳам гол кўришни узоқ кутиб ўтиришмади. 7-дақиқада бурчакдан ошириб берилган тўпга биринчи бўлиб етиб келган Бахтиёр Ашурматов рақиб ҳимоячилари ва дарвозабонини доғда қолдиришга муваффақ бўлди – 1:0. Шундан сўнг яна эски ҳолат, ҳужумда ҳаракат қилган Шишеловни аниқ тўп билан таъминлайдиган футболчи бўлмади. Учрашувнинг биринчи бўлими якунланишига саноқли дақиқалар қолганда эса Миржалол Қосимов майдон марказидан тўпни эгаллаб олиб, катта тезлик билан жарима майдонига кириб борди ва чап қанотдан очилган Шишеловга ажойиб тўп узатди. Тўпни қабул қилиб олган Молдова чемпионати тўпурари бу вазиятда хато қилишга ҳаққи йўқ эди. Ҳисоб – 2:0.



Иккинчи бўлимда вакилларимиз таркибда ўзгаришсиз майдонга тушишди. Майдон марказида устунлик биз томонда бўлган бўлса-да, уюштирилаётган ҳужумлар ўз ниҳоясига етмай қоларди. Иккинчи бўлимнинг 69-дақиқасида майдонга Миржалол Қосимов ўрнига Сервер Жепаров туширилди. Бу ўзгариш ҳам ўзини оқлади. Айнан Серверниг тўп узатишидан сўнг катта тезликда жарима майдонига кириб борган Зайниддин Тожиев қўполлик билан тўхтатиб қолинди. Ҳакам томонидан белгиланган 11 метрлик жарима тўпини дарвозага йўллаш Серверга қийинчилик қилмади – 3:0.

Бу гол учрашув якуний ҳисобини ўрнатди. Лекин рақибларимиз фаластинлик футболчилар ўзларини профессионалларга хос тутмаганликлари ўйингоҳга ташриф буюрган минглаб мухлислар эътирозига сабаб бўлди. Гуруҳимиздаги пешқадам устидан йирик ҳисобдаги ғалаба футболчиларимизни Германияда ўтадиган мундиалга дастлабки дадил қадами бўлса ажабмас. Гуруҳдаги қолган икки рақибимиз "Ироқ" ва "Хитой Тайпейи" терма жамоалари ўртасидаги учрашув 6:1 ҳисобида ироқлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Ушбу ғалабадан сўнг 7 очко жамғарган терма жамоамиз ўз гуруҳида пешқадам бўлиб олди. Хитой Тайпейини йирик ҳисобда доғда қолдирган ироқлик футболчилар ҳисобида 5 очко бор. Фаластин терма жамоаси эса 4 очко билан учинчи поғонани банд этган. Хитой тайпейилик футболчилар эса ҳозирча уч учрашувни ҳам мағлубият билан якунлашган.

А.ФАЗЛИЕВ

"ЭРКИН ЭЛНИНГ ҚАНОТЛАРИ"

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида спорт шоу уюштирилди.

Талабалар, профессор ўқитувчилар ўртасида ташкил қилинган ушбу спорт шоуда қатнашчилар миллий кураш, арқон тортиш, югуриш бўйича ўзаро мусобақалашишди. Миллий тикланиш партияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбир "Эркин элнинг қанотлари" шиори остида бўлиб ўтди.

БЕКОБОДДА ҚЎЛ ЖАНГИ БАҲСЛАРИ

Бекобод шаҳрида ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича тўртинчи марта халқаро мусобақалар ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар жамоалари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан келган ёш спортчилар ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Муросасиз, қизиқарли кечган баҳсларда Ўзбекистон қўл жанги федерацияси ўсмирлар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Якка тартибдаги мусобақаларда эса бекободлик Равшан Исмоиловга тенг келадиган рақиб топилмади.

"ГУЛШАН"ЛИК БОЛАЛАРГА

Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ҳар бир боланинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига эришиш муҳим вазифалардан бири. Бу борада мамлакатимизнинг ҳар бир жойида ибратли ишлар амалга оширилаётганлиги қувонарли ҳол.

Куни кеча Қашқадарё вилоятидаги "Гулшан" номли маҳалладан хушхабар келди. Маҳалла болаларининг бўш вақтлари сермазмун ўтиши, ёзги таътилда спорт билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш мақсадида спорт мажмуаси бунёд этилиб, улар ихтиёрига топширилди. Маҳаллада яшовчи тадбиркор Ўткир Эркаев ҳомийлигида қурилган спорт иншооти барча қулайликларга эга, эндиликда маҳалла болалари спортнинг футбол, кураш, енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлишди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

ЯНА ЕТТИ ЙЎЛЛАНМА

Афина (Греция)да ўтадиган XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари бошланишига тобора оз фурсат қолмоқда.

Ер куррасининг энг нуфузли мазкур мусобақасига йўлланма олган спортчилар айни чоғда турли даражадаги турнирларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширишяпти. Бошқалари эса Афина олимпиадасига йўлланма берувчи йирик мусобақаларда омадини синаб кўрмоқда.

Куни кеча Алмати (Қозоғистон)да енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз ҳам муваффақиятли қатнашдилар. 400 метрга югуриш баҳсларида 52.09 сония натижа кўрсатган Замира Амирова учинчи ўринни эгаллаб, олимпиада йўлланмасига сазовор бўлди. Бишкек (Қирғизистон)да ўтган мусобақа енгил атлетикачиларимиз учун янада омадли якунланди. Аёллар ўртасида ядро улоқтириш бўйича Ольга Шукинага тенг келадиган спортчи топилмади – 17.26 м. Найза улоқтириш баҳсларида эса Лилия Дўстметова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди – 57.17 м. Ҳамюртларимизнинг ушбу ғалабасидан сўнг енгил атлетика тури бўйича қўлга киритилган йўлланмаларнинг умумий сони саккизтага етди.

Москвада сузиш бўйича Афина олимпиадасига йўлланма берувчи яна бир халқаро турнир поёнига етди. Унда сузувчиларимиздан Даниль Бугаков, Ольга Гнедовская, Никита Поляков ва Мария Бугаковалар ғолиблар қаторидан жой олиб, XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача Афина олимпиадасига йўлланмани қўлга киритган спортчиларимиз сони 67 нафарга етди.

Дилнора ТЎРАЕВА

ТЕННИС ҲАМ СЕРДАРОМАД ЭКАН-А!!

Теннис бўйича Франция очиқ чемпионати якунлангач, 7 июн куни АТР (Профессионал теннисчилар ассоциацияси) ва WTA (Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциацияси) 2004 йилнинг шу кунигача энг кўп пул ишлаб топган ракетка усталарини маълум қилди.

Эркак теннисчилар рўйхатида рейтингдаги каби биринчи поғонани швейцариялик Роже Федерер банд этган. Роже 2004 йилнинг 8 июнигача мусобақаларда эришган ғалабалари эвазига 2036905 АҚШ доллари "ўзлаштирган". Иккинчи ўринда эса Франция очиқ чемпионати финалчиси аргентиналик ГальермоОрия турибди. У кортлардаги ажойиб ҳаракатлари билан 1529569 "қўки"ни ишлаб топишга муваффақ бўлди. "Ролан Гаррос" кортларида ғолибликни қўлга киритган яна бир аргентиналик теннисчи Гастон Гаудио ҳам анча бойиб олди. Ушбу ғалабадан сўнг у энг бой ракетка усталари қаторидан жой эгаллади: 1300049 АҚШ доллари. Бундан ташқари, энг бой 10 нафар теннисчи орасида Мойя, Роддик, Сафин, Хенмэн, Хьюитт, Налбандян, Чела каби машҳур спортчилар жой олишган.

Аёл теннисчилар ўртасида эса бу рўйхатни белгиялик Жюстин Энен-Арден бошқариб турибди. Айнан ушбу мавсумнинг ўзида у мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, ўз ғазнасини 1361575 АҚШ долларига бойитди.

ОЛТИ ВАЗН ЧЕМПИОНИ БЎЛМОҚЧИ

Мексикалик машҳур профессионал боксчи Оскар Де Ла Хойя яна бир вазнда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

WBO олтин камари учун германиялик ҳали мағлубият нималигини билмаган Фелекс Штурмга қарши рингга кўтарилган "Тилла бола" рақибининг мағлубиятлар устунига биринчи бўлиб рақам туширишга муваффақ бўлди.

Шу кунгача германиялик боксчи 20 жанг ўтказиб, барчасида (9 нокаут билан) ғалаба қозонганди. Жанг тенг курашлар остида бўлди, лекин кўп дақиқаларда тажрибали Де Ла Хойя ўз сўзини айта олди.

Энди у мексикалик боксчи Штурм билан жангдан олдинги матбуот анжуманида айтиб ўтганидек, яна бир жаҳон чемпиони Бернард Хопкинса қарши жанг ўтказмоқчи. Агар Де Ла Хойя Хопкинс устидан ҳам ғалаба қозонса, профессионал бокс тарихида 6 вазн тоифасида жаҳон чемпиони сифатида эътироф этилади.

АБРАМОВИЧ ВА ШЕВЧЕНКО

Лондоннинг "Челси" клуби "Милан" ҳужумчиси Андрей Шевченкони сотишни италияликларга яна бир бор таклиф қилди.

Бу сафар Роман Абрамович украиналик футболчи учун 35 миллион фунт-стерлинг бермоқчи. Эслатиб ўтамиз, россиялик миллиардернинг олдинги таклифида Шевченко учун 20 миллион фунт-стерлинг беришини маълум қилганди. Агар сал олдинроқ Мадриднинг "Реал" клуби футболчи учун 160 миллион евро таклиф қилгани ва бу масалани "Милан" раҳбарлари муҳокама қилишни ҳам ўйлаб кўрмаганини ҳисобга олсак, футболчи Италияда қолиши мумкин. Бундан ташқари, Шевченко яқинда жамоаси билан шартномасини 2005 йилгача узайтирган. Жамоа вице-президенти Адриано Галлиано ҳам ҳеч қайси футболчи жамоани тарк этмаслигини қайта-қайта такрорламоқда. Лекин шунга қарамай, лондонликлар Шевченко учун курашни давом эттирмоқда.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

"Ёнар шар" аёлни таъқиб этмоқда

Москва шаҳри яқинидаги Арязино аҳоли манзилгоҳида умргузаронлик қилаётган Ольга Понизова, мана, учинчи мартадирки, шар шаклидаги чақмоқ билан юзма-юз келмоқда.

Аёл бундай ғаройиб учрашувларнинг дастлабкиларини тасодифга йўйганди. Аммо бу гал Ольганинг уйига ёнар шарнинг бостириб кириши уни ваҳимага солиб қўйди.

– Менга ички бир ишонч яна чақмоқнинг қайтишидан дарак бермоқда, – дейди у. – Балки олимлар тушунтириб берар, унга мендан нима керак, ахир?

Ольга Понизова умр бўйи заводда токар бўлиб ишлаб келди, ҳозир у нафақада. Унинг айтишича, ёнар шар билан биринчи учрашув 13 ёшида рўй берган. Ўшанда у Уралда яшар, ёш бўлишига қарамай колхозда ишларди.

– Адашмасам, август ойи эди, – дея ўтмишни хотиралайди аёл. – Қўй боқиб юрардим, кеч тушиб қолганди. Ҳаммаёқ бирдан ёришиб кетди. Осмонга тикилдим: само кўмкўк, булутдан асар ҳам йўқ. Бир пайт мен томонга кўқдан "ёруғ доғ" учиб келаётганини сезиб қолдим. Бир зумда катта тезлик билан ҳаракатланаётган "ёнар шар" ёнгинамдан ўтиб кетди ва шу вақтнинг ўзида мендан бир неча метр нарида ҳавода муаллақ туриб қолди. Ёш қизалоқ эдим, шу боис бўлса керак "ўзбошимча шар"га қараб "кет бу ердан, йўқол!" дедим. У гапимга парво ҳам қилмади. Шунда унинг таъзирини бериб қўйиш учун қўлимдаги таёқни унга қараб улоқтирдим. Таёқ унга етиб бормасиданоқ худди гугурт чўпидек бир зумда ёниб адо бўлди.

Орадан 20 йил вақт ўтди. Бу орада Ольга икки нафар фарзандли бўлиб, эри билан Тошкентда яшарди. Кунлардан бир куни дам олиш илинжида Ольга оиласи билан шаҳар чеккасига чиқди. Кўл қирғоғида сайр қилиб юрган бир пайтида 12 ёшли ўғли гап қотиб қолди:

– Ойи, осмонда турган "ёнар шар"га қаранг.

Аёл юқорига қаради-ю ҳажми апельсиндек келадиган эски "таниши"га кўзи тушди. Юқори тезлик билан ҳаракатланаётган шар аёлнинг боши узра бир неча марта айланиб учди, Ольга қулоқларининг қаттиқ қуяётганлигини сезди. Шундан сўнг кутилмаган "меҳмон" ўрмон томон учиб кетди. Ўзига келиб улгурмаган Ольгага ёрдам кўрсатишди.

Учинчи учрашув ҳам ғалати тарзда рўй берди. Ўша куни кун совуқ бўлса-да, осмон тип-тиниқ эди. Ольга томорқасидаги иссиқхонани таъмирлаётганди. Кимдир ортидан уни кузатаётгандек туюлди. Беихтиёр ортга қаради ва "ёнар шар"га кўзи тушди. Осмонда муаллақ турган бу ғаройиб "шар" аёлга ўз таъсирини ўтказди: аёл чайқалиб кетди.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

– Мен сендан қўрқмайман, – деди бироз вақт ўтгач ўзига келган Ольга. – Нимани хоҳласанг шуни қил, мен қўрқмайман.

"Шар" ҳаракатлана бошлади ва иссиқхонани бир неча марта айланиб учди-да, уйга бостириб кириб кетди.

– Мен ичкарида ойнанинг синганини эшитдим ва ётоқхонага чопиб кирдим, – дейди Ольга Понизова. – Ойна синиб ётарди, болаларим ва эримнинг доим деворда осиғлиқ турадиган расмлари полда ётарди. Дераза пардаси эса ловуллаб ёнарди. Ёнғинни ўчирдим. Шу маҳал дераза ойнасида махсус асбоб билан атайлаб ўйиб олингандек пайдо бўлган тешикка кўзим тушди ва унинг шу ердан чиқиб кетганлигига ишонч ҳосил қилдим.

– Ҳозирда мавжуд бўлган ҳар қандай асбоб-ускуна ҳам ойнани бу даражада бир неча секунд ичида силлиқ, бошқа ерларга шикаст етказмай тешиб ўтолмайди, – дейди шу иш устида тадқиқот олиб бораётган геофизик ва фалакшунос олим Анна Шилковская. – Бу уч минг градус иссиқликка эга бўлган "ёнар шар"нинг иши. Чунки ойнани бу даражада тешиш фақатгина 3000 градус иссиқликда амалга оширилиши мумкин.

Шу тариқа "ёнар шар" Ольгани гоҳ у Уралда, гоҳ у Тошкентда, гоҳ у Москвада бўлсин, излаб топаяпти. Нега энди у Ольгани таъқиб этаяпти? Бу саволга ҳозирча Ольга у ёқда турсин, олим-у мутахассислар ҳам жавоб беришга ожиз.

– Шар шаклидаги чақмоқ ҳозирги замон фанига аниқ бўлмаган, сирли, синоатли мавжуд ҳодисадир, – деб ҳисоблайди МДУ ўқитувчиси, физика-математика фанлари доктори, профессор Вадим Сперонский. – Ҳозирча у ўзини ақлли қилиб кўрсатаётир: шар доимо олдин учратган одамларни излаб топади, улар билан алоқада бўлади: қасос олади, ҳазиллашади, ўйнашади. "Ёнар шар" билан учрашганларнинг айтишича, "олов меҳмон" қандайдир мақсадни кўзлаб иш тутади, инсон миясига ғайритабиий таъсир ўтказади. У билан юзма-юз келганлар узоқ вақт қандайдир ваҳима остида яшайди, ўзларини нимадир ёки кимдир таъқиб этаётгандек сезадилар. Кечалари қўрқинчли тушлар кўрадилар ва қаттиқ бош оғриғига йўлиқадилар. "Шар" фантастик қувватга эга. Фанимизга маълум бўлгани ҳозирча шу.

Фахриддин КАЛОНОВ тайёрлади.

Чашмада нур гардиши

Табиат бағрида синоатлар кўп. Инсон онги шуури англаши мушкул, ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар талайгина.

Инсон борлиқ сирлари олдида лол қолади. Илоҳийлик, руҳий тиниқлик акс этган манзара-ю ҳодисотлар бизга инсон фарзандининг бу мўъжизалар олдида ожиз туришидан бошқа иложи қолмаганини кўрсатади.

Нурота туманида бир чашма бор. Зиёратгоҳ жой. Одам оёғи узилмайди. Хуллас, юртимизда Нурота чашмасини эшитмаганлар камчиликни ташкил қилади.

Ана шу чашмада мўъжиза рўй берди. 24 майдан бошлаб эрталаб соат 7.30 дан чашмага тушган қуёш нури сирли тарзда шуъалаланади. Табиийки, чашманинг тиниқ қаърида пайдо бўлган қуёш аксидан нур таралади ва одам бўйи баландликда, сув сатҳи теграсида нур гардиши пайдо бўлади. Бу ҳол 15-20 кун давом этади. Юзлаб зиёратга келувчилар бу синоатни томоша қиладилар.

Нур гардиши шунчаки сувдаги қуёш акси нури эмас, балки доирасимон ёруғликдир. Бу гардиш қай ҳолда пайдо бўлди, қизиғи, ҳеч ким таърифлаб, изоҳлаб беролмайди. Очиғи, бугунги фанимиз ҳам бирор шарҳи далил билан бу ҳодисотни тушунтиришга қийналса керак.

Бироқ, бир нарса маълум: чашма назарли жой – зиёратгоҳ. Илоҳийлик, муқаддаслик бор, бу ерда.

Ана шу қудрат билан табиат уйғунлигида ҳам бизнинг дунёқарашимиз англаши қийин кечадиган мўъжиза яширин.

Агар суратга эътибор берсангиз, чашма тепасидаги айлана ёғдуга кўзингиз тушади. Сув юзида пайдо бўлган бу синоат эса одам боласининг тасаввури табиат ва илоҳийлик олдида шунчалар ожиз эканлигини яна бир бор исботлайди.

(Ўз мухбиримиз)

НЕВАРАЛАРИГА ОНА БЎЛДИ

Йоханнесбург клиникаларидан бирида 48 ёшли Пат Энтони ўз набираларини туғди.

Гап шундаки, унинг қизи Карен биринчи фарзандидан сўнг оғир операцияни бошидан кетуғишни ман қизига ёрдам бефокорлар Карен-олиб Пат орга-чирди ва врачлар унга этишди. Шунда Пат ришга қарор қилди. Шидаги тухумдонларни низмига жойладилар. Натижада ой-куни етган буви 3 болани – 2 ўғил ва 1 қизни дунёга келтирди.

АЖАБО

ПЎЛАТ "ТИШЛИ" СИГИРЛАР

Испаниялик зооветеринар шифокорлар яна янги бир касбни – тиш докторлиги касбини эгаллай бошладилар.

Гап шундаки, Мадрид университетининг тадқиқотчилари тиши ўтмаслашган сигирларга зангламайдиган пўлатдан ясама тиш (протез) қўйдилар ва бу борада яхши натижаларга эришдилар. Ясама тиш қўйдирган говмишларнинг иштаҳаси очилди, ҳозирда улар ем-хашакни яхши чайнайдиган бўлдилар. Уларда соғиб олинадиган сут миқдори ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Холиқ НАЗАР тайёрлади.

ДУНЁ – ҚИЗИҚ

"Қор одам" борми?

Америкадаги Руби Крик қишлоғида яшовчи йўлсоз-ишчи Дени Чапмен деган кишининг хотини болалари билан тўқайдан аста-секин чиқиб келаётган, бўйининг узунлиги 2,5 метр чамасидаги одамга ўхшаш маҳлуқни кўриб, қўрққанидан эрини ёрдамга чақиради. Эри қўлига милтиқ олиб "Бу ерда ёввойи одам нима қилсин, айиқ бўлса керак", деб товуш чиққан ерга чопиб боради. Афсуски, номаълум маҳлуқ кўздан ғойиб бўлади. Бироқ ерда чуқурлиги беш сантиметр ва узунлиги қирқ сантиметрлик ғаройиб изни кўради ва бу из айиқники эмаслигини англаб етади.

Бундай одамга ўхшаш маҳлуқни АҚШ ҳиндулари ҳам бир неча марта кўришган. Улар уни "сасквач" ("улкан оёқли") деб аташган. Ҳиндуларнинг айтишларига қараганда, Ғарбий Америка ва Канадада "улкан оёқли"лар ҳозир ҳам учраб туришади. Уларнинг макони тўқайзор бўлиб, кутилмаганда учраб қолади. "Қор одам" ҳақида мақолалар ёзган инглиз мухбири Гладис Тотланд тўқай ичида баданини қалин тук босган ёввойи одамни кўрганини баён қилган. Бир кун овчи ҳинду буғуни қувиб келаётиб, "қор одам"ни кўриб қолади. Ҳинду унга яқинлашганда у "Найза-а-х" деб бақириб қочади. Ўша қария "қор одам"га иккинчи марта дуч келганда баданини тук босган ҳалиги йирик гавдали одам қариянинг қуритиб қўйган балиғини ўғирлаб кетади.

Эскимослар одамга ўхшаш маҳлуқларга кўп дуч келишган. Уларнинг айтишларича, "қор одам"лар кўпинча яланғоч ҳолда юриб, тош билан ўралган кўрғонда яшайди.

"Улкан оёқли"лар аввалгидан анча камайган бўлса-да, ҳозир ҳам учраб туради. 1967 йилда америкалик Р.Паттерсон ва Р.Гимлинлар "улкан оёқли"лар ҳақида фильм ишлашган. Кино экранида "қор одам"нинг қуриб қолган дарёдан ўтаётган пайти тасвирланган.

"Улкан оёқли"лар устида самарали иш олиб борганлардан бири Майкл Поулизнидир. У "Аляска" ойномасида қизиқарли мақолалар ёзган. Унда Кадьяк ва Афогнак ороллари яшайдиганлар ҳам "қор одам"ни ўз кўзлари билан кўрганликларини айтишган. Шунингдек, Хитойнинг Пекин академиясида ишлаган Панг Енсенг 1937 йилда "Жунли одам билан" учрашганини ёзган. У қуйидагиларни баён қилади: "Қор одамнинг бўйи икки метрдан узунроқ, бурни ялпоқ, қулоқлари одамникига ўхшаган, кўзлари эса одамникидан каттароқ. Пастки ияги ва лаби чўзинчоқ, олдинги тиши отники каби йирик. Сочи қизил, қўнғир, узунлиги ўттиз сантиметр. Қўли тиззасидан узун, панжаси ўн тўрт сантиметрча келади, баданини калта тук босган. Сони йўғон, бироқ болдиридан калтароқ. Одамга ўхшаб тик юради".

Сирасини айтганда, "қор одам" деб аталувчи одамсифат мавжудотларнинг борлиги аниқ. Ҳозирги кунда уларнинг маҳфий сирини текширувчи мутахассислар, криптозоологлар "қор одам"лар устида иш олиб бормоқдалар.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

Яқинда Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институтида Марказий Осиё мамлакатларининг "Ижодий парвоз" ёшлар кинофестивали бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда қирғизистонлик ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган йиғирмага яқин фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ёшларнинг "Ижодий парвоз"и

ФЕСТИВАЛ

Қизиқарли тарзда ўтган ушбу фестивалда Тожикистондан бешта, Қозоғистондан еттита, Қирғизистондан иккита ва Ўзбекистон томонидан тақдим этилган бир қатор фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, Франция элчихонаси томонидан "Юлдузлар шаҳарчаси", "Беҳуда гаплар", "Кичик бал", Швейцария элчихонаси томонидан "Носферату тангоси", "Фотосурат", "Пол ва Лила", "Ўтирган одам", Италия элчихонаси томонидан "Қуёш ҳам ботади", "Уруш ҳақида ҳикоя", "Чегара" ҳамда Тошкентдаги Гёте институти томонидан "Шундай жўнгина қолиш", "Ўқувчи", "Сидпискода чошгохдан сўнг" сингари ахборот намойиши учун тақдим этилган фильмлар ҳам анжуман иштирокчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Фестивал якунида ўзбекистонлик ёш киноижодкорлар Аюб Шаҳобиддинов ҳамда Эркин Тўйчиевлар суратга олган "Қор қўйнидаги лола" фильми анжуман Гран-присига лойиқ топилди. Энди бу икки кинорежиссёр Франциянинг Канн шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кинофестивалда минтақамиз номидан иштирок этишади. Шунингдек, яна бир қанча ёш истеъдодлар "Энг яхши операторлик иши", "Энг яхши режиссёрлик иши", "Энг яхши аёл роли учун", "Энг яхши эркак роли учун" каби номинациялар бўйича тақдирландилар.

Келажак бугундан бошланади. Бугун ўзларининг дебют фильмларини кўрик-танлов ҳукмига топширган ёш ижодкорлар эртага жаҳон кино бозорида салмоқли ўрин эгаллайдиган фильмларни яратадилар, десак муболаға бўлмайди. Зотан, бунга маълум даражада асосимиз ҳам бор.

Назокат РИХСИБОЕВА

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

"Мени ёлғиз қолдирма"

Айни кунларда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Санъат саройида "DABANA" студияси томонидан суратга олинган "Мени ёлғиз қолдирма" бадиий фильмининг намойиши давом этмоқда.

Фильмда долзарб масалалар, бугунги ҳаётимизнинг ўзига яраша мураккабликлари, инсоннинг ҳар қандай вазиятда ва даврда ўзлигини, эътиқодини, виждонини, иқтидорини, маслагини йўқотмаслиги ҳақида фикр юритилади. Инсон ҳаёти курашдан, тўқнашувлардан, ҳаракатдан иборат. Фильмнинг бош қаҳрамони Мурод (актёр Ойбек Қаюмов) исмли журналист йигит. У оғир вазиятларга тушиб қолиб, ўз ҳаётий принципи – ҳалоллик, эзгулик ва ростгўйликдан чекинмаган ҳолда мураккабликларни енгиб ўтади. Мазкур киноасарга инсон учун асосийси моддий манфаат эмас, балки маънавий қадриятлар, эзгу фазилатлардир, деган фикр бош ғоя сифатида сингдирилган бўлиб, у бу ёруғ оламда ҳамма нарса ўткинчи, одамдан эса фақат меҳроқибат, яхшилик ва севги қолади, дея уқтиради.

"Мени ёлғиз қолдирма" фильмидаги асосий қаҳрамонлар образини Сайдулла Молдаханов, Сайёра Юнусова, Пўлат Саидқосимов, Элёр Носиров, Ойбек Вейсал ўғли, Фарҳод Абдуллаев, Клара Жалилова, Тоҳир Саидовлар билан бир қаторда ёш иқтидорлар Тамила Ўринова ҳамда Залина Зангиевалар ижро этишган. Фильм режиссёри дебютант кинорежиссёр Нодир Муҳаммад бўлиб, суратга олиш жараёнларини тажрибали кинооператор Ринат Галиев амалга оширган.

Диққат, мотор!

Шу кунларда ўзбек киноижодкорлари томонидан яна иккита янги мусиқали мелодрама жанридаги фильмлар суратга олинмоқда.

Булар J-UNITED GROUP студиясида яратилаётган "Хавфли бурилиш" (бош ролда Р.Собиров) ҳамда кинорежиссёр Рустам Саъдиевнинг "Кўзларинг маъюс" номли (бош ролда Т.Содиқов) фильмларидир. Мазкур икки фильмнинг умумий ўхшашлиги шундаки, иккисида ҳам бугунги ёшларнинг қувонч ва ташвишлари, ўй-хаёллари асос қилиб олинган бўлиб, курашчанлик, интилиш ҳамда меҳр ва садоқат тушунчалари бош ғоя сифатида танлангандир.

"Кўзларинг маъюс" фильми тўла-тўкис ёшларга бағишланган. Ҳатто айрим лавҳаларда ёшларимизга хос сўз қочиримлари, кўча жаргонлари ҳам деталь сифатида сценарийга киритилган бўлиб, у фильмни мазмунан бойитади, кечаётган воқеаларнинг ишонарли чиқишини таъминлайди. Мазкур мелодрамадаги бошқа образларни таниқли артистлар Мурод Ражабов, Лола Элтоева, Гулчеҳра Носирова, Насриддин Рустамов ва Шуҳрат Нуралиевлар ижро этишмоқда. Фильм монтаж ишларини эса монтаж устаси Исмоил Солиҳов амалга ошириши кўзда тутилган.

Кинорежиссёр Мақсуд Охуновнинг "Хавфли бурилиш" фильми тез кунларда катта экранга чиқиш арафасида. J-UNITED GROUP студияси томонидан суратга олинган мазкур мелодрама ҳаётнинг турли хил бурилишлари, тақдир сўқмоқлари, қисматнинг турфа чиғириқлари хусусидадир. Ҳаёт инсон олдига ҳамиша учта йўлни қўяди: ўнгга, чапга, тўғрига... Ва ҳар ким ўзи тўғри деб билган йўлдан юришга интилади. Демакки, ҳар бир инсон ўз тақдир йўлини ўзи танлайди ва белгилайди. Тақдирнинг эса кутилмаган зарбалари, хавфли бурилишлари кўп...

Фильм оператори - Рустам Муродов, продюсер Абдураҳмон Позилжонов, маъмур - Жасур Азизов. Асосий ролларни Ботир Имомхўжаев, Жаҳонгир Позилжонов, Ситора Фармонова ҳамда Дилшодбек Каттабековлар ижро этишган.

Феруза НОДИРОВА

Сарвиноз бош қаҳрамонми?

Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Санъат саройида "D.VISION" студияси томонидан суратга олинган "Сарвиноз" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев ҳамда фильм режиссёри Баҳром Ёқубовлар сценарийси асосида яратилган ушбу киноасар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Фильмнинг бош қаҳрамони – Сарвиноз исмли қиздир. У консерватория талабаси, келажаги порлоқ хонанда. Бироқ фильмни томоша қиларкансиз, асосий қаҳрамон Сарвиноз эмас, унинг отаси Илҳом Аброрович эканлигига амин бўласиз. Бухоролик режиссёр Убайдулла Бақоев талқин этган мазкур образ кинонинг бутун "юк"ини ўзига олган ва барча воқеалар унга боғлиқ ҳолда кечади. Драматургия жиҳатидан мукаммал, дея эътироф этилган ушбу фильм композицион жиҳатдан содда, бўш эканлиги томошабинни ҳам бефарқ қолдирмайди. Айрим лавҳаларда эса кишида ишончсизлик пайдо бўлади.

Тўғри, балки ҳаётда Илҳом Аброрович, Нусрат акага ўхшаган оталар, севги-муҳаббат йўлида Сарвиноз ва Одилга ўхшаб изтироб чекаётган ёшлар талайгинадир. Бироқ, уларнинг изтироби ҳам шунчаки "хўжакўрсин" учунга ўхшайди. Айниқса, хонанда Зилола Мусаева (Шаҳзода) яратган образ (Сарвиноз) гарчи бош қаҳрамон саналсада, ички қарама-қаршиликнинг етишмаслиги, сўз ва ҳаракат борасида уйғунликнинг сезилмаслиги туфайли асарни "тортолмайди". Шунингдек, Одил ролини маҳорат билан ўйнашга ҳаракат қилган ёш актёр, М.Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти талабаси Улуғбек Қодиров ҳам ўзига топширилган образ қандай қиёфада бўлиши кераклигини тушунмагандек туюлади. Кучли психологик саҳналарда Одилда руҳий кечинмалар у қадар сезилмайди.

МУНОСАБАТ

Воқеалар ривожини кузатарканмиз, дебютант режиссёр Баҳром Ёқубов севги-муҳаббат, бугунги ёшларимизнинг илк ҳаётий синовлари, инсоний муносабатлар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятлар, хуллас, ҳаётнинг турфа қирралари, чиғириқлари ва синовлари ҳақида фильм олишга интилганини ҳис қиламиз. Лекин, бадиий фильмни суратга олиш борасидаги тажрибанинг камлиги панд берибди, десак янглишмаймиз.

Тан олиш жоиз, асар муаллифлари бош қаҳрамонлар – Сарвиноз ва Одилнинг севгиси орқали ҳаётий воқеаларни, инсоний тақдирларни, бугунги кунимиз учун долзарб бўлган масалаларни ўртага ташлашга ҳаракат қилганлар. Аммо, экранда бу нарса яққол кўринмайди, томошабин воқеалар ривожининг гоҳ тезлашиб, гоҳ секинлашишини, гоҳида эса умуман бошқа сюжет йўналишига ўтиб кетишини, фильмнинг бадиий қийматини оширишга хизмат қилмайдиган айрим ноўрин лавҳаларни кузатиб, айтилиши керак бўлган фикрни тушуниб етмайди.

"Сарвиноз" куй-қўшиқларга, жозибали лавҳаларга, қизиқарли сюжет йўналишига, лирик талқиндаги, ўзига хос тасвирий ечимга бой бўлган фильмдир. Бироқ, кино кўриб, маънавий завқ олиш, ниманидир ўрганиш учун ташриф буюрган томошабин "замонавий", дея эътироф этилаётган, аслида эса на сўз, на мусиқа жиҳатдан мукаммал бўлган қўшиқ ва куйлардан қандай маънавий озуқа олади? Асар муаллифлари мазкур ҳолатга ҳам эътибор қаратганларида, бағоят соз бўларди.

Хотима ўрнида шуни айтиш керакки, психологик мелодрама жанрида ишланган "Сарвиноз" бадиий фильми "Муҳаббат синовлари" ва "Тақдир" сингари мелодрамаларга нисбатан томошабинни узоқ вақт хушнуд этиши табиий. Зеро, унда Убайдулла Бақоев, Мурод Ражабов, Гавҳар Зокирова, Саида Раметова каби таниқли актёрлар билан бир қаторда ёш истеъдодлар Камола Умархўжаева, Хусан Режаметов, Улуғбек Юнусов, Ситора Фармонова сингари иқтидорли актёрлар ансамбли иштирок этган ва улар ижросидаги образлар фильмнинг бутун "юк"ини бемалол кўтара олганлар.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ

Қуёш саховатига муқояса

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Юсуф Хос Ҳожиб сўзни ақл кўрки ва кўзни юз кўрки деб, халқ мақолига яқин ҳикмат яратган бўлса, Навоий сўзнинг аҳамиятини янада теранроқ талқин этади:

Сўз гуҳарига эрур
онча шараф,
Жон бўлиб ул,
руҳ онинг қолипи.

Бу ерда ҳам сўзнинг аҳамияти инсон жисмидаги энг азиз аъзолар билан қиёсланади. Юсуф Хос Ҳожиб сўз кўркини юз ва кўз кўрки билан қиёс этган бўлса, Навоий сўз гуҳарини, яъни унинг қиймати ва гўзаллигини танадаги руҳ ва унинг ичида яшайдиган тирик жон ўрнида кўради. Сўзга шакл берадиган қолип руҳ эканлиги сўзнинг инсон руҳида жон каби пайдо бўлишини ҳам англатади.

"Хамса"нинг 1947 йилги нашрини махсус изоҳ билан нашрга тайёрлаган Садриддин Айний Навоийнинг кейинги икки сатрини қуйидагича талқин қилади: "Бу мисрада шоир сўзни жон деган. Аммо шундай жонки, оддий жонлар унга жасад саналади".

Қаноат ва очкўзлик ҳақида "Қутадғу билиг"да шундай сатрлар бор:

"Қаю бек суқ эрса чиғай ул, чиғай,
Қаю қул кўзи тўқ бег ул, кўнгли бай".

"Қаю" – қайиш, зиқна деган маънони англатади. "Чиғай" – камбағал-гадо. "Суқ" – очкўз. Халқ мақоли даражасидаги маъно: очкўз одам бек бўлса ҳам, аслида у ўз нафсига қулдир. Кўзи тўқ, қаноатли одам гадо бўлса ҳам кўнгли бой бекдир.

Халқ донишмандлигига асосланган бу маъно "Хамса"да Навоийга хос тил ва услубда бошқачароқ ифодаланади:

Кимки иши бўлди
қаноат фани
Билки, они қилди
қаноат ғани.
Шаҳ ул эмаски бошига
қўйди тож
Шаҳ ани билким йўқ
анга эҳтиёж.

Навоий бу ерда "эҳтиёж" сўзини таъмагирлик маъносида ишлатган. Садриддин Айний Навоийнинг сўнгги байтига берган шарҳида буни қуйидагича талқин қилади: "тамагирлик қилмасдан, ўз ҳалол меҳнати билан топганига қаноат қилувчилар ҳақиқий подшоҳдирлардир". Навоий махсус бир мисрада:

Балки, гадодур таъма этган киши!

деб ўз фикрини янада аниқ ифода этган.

"Садди Искандарий" достони тўғрисида махсус китоб ёзган атоқли навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов Навоийнинг келажакни олдиндан кўра билувчи донишмандлик салоҳиятини улуғлайди. Афсонавий одил подшо Искандар ўз атрофига Арасту, Файлақус, Суқрот каби энг буюк алломаларни тўплайди. Искандарнинг ўзи ҳам ғоят меҳнатсеварлик, қунт ва чидам билан илм таҳсил олади:

Билик таҳсилини қилди то жони бор,
Ҳунар билди, ончаки имкони бор.
Искандарки донойи офоқ эди,
Билик ичра офоқаро тоқ эди.

(Давоми бор).

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БАДИА

Уммон ортида

Уммон орти мамлакатида
Бир жаноб-ла танишиб қолдим.
Раҳбар экан нефт ширкатида,
Қарияни мен гапга солдим.

Жаноб жуда башанг кийинган,
Пиджагидан ифорлар анқир.
Биттагина ўғли бор экан,
Чикагода бадавлат банкир.

Боласини бораркан йўқлаб
Кекса ота йилда бир марта.
Икковлашиб қоринни тўқлаб,
Ўйнашаркан биллиард ё карта.

Кечга бориб отага фарзанд
Кўрсатаркан ён дафтарчасин.
Ота ўзи еган ош-овқат –
Пулин тўлар экан барчасин.

Бир-бирига қилмас эътироз,
Иккови ҳам мустақил инсон.
Ҳамма нарса ҳисобли, холос,
Берилмайди бекорларга нон.

Жаноб ила суҳбатим тугаб,
Излаб қолдим ўз жомадоним.
Ўша пайтда пайқабман, ажаб,
Соғинганим Ўзбекистоним...

Шайтон ва инсон

– Дада, – дебди шайтонвачча йўлда кўрсатиб отни, –
Нима дерлар анов турган тўрт оёқли жонзотни?
– Болам, – дебди ота шайтон, – бу маҳлуқ зўр чопағон,
Узоқларни яқин қилар, жангда сақлайди омон.
– Дада, – дебди шайтонвачча яна бироз юрганда, –
Анов нима: икки шохли, ўт емоқда чаманда?
– Болам, – дебди ота шайтон, – сигир дейдилар уни,
Озуқа ва дори бўлар соғиб ичсанг сутини.
– Дада, – дебди шайтонвачча яна бир жойда тўхтаб, –
У нима: икки оёқли, келмоқда бизга ўхшаб?
– Бунинг номи инсон, болам. Ундан юргин узоқроқ:
Қилар ишни қилиб, айбин бизга тўнкайди бироқ.

Хайрулло НУРИДДИНОВ

АФАНДИ ИЖОДИДАН

Эзгин зўр ғазал

Севги дарди мени уйга қўйди
пақ-пақ кўммалаб,
Зиён кўрдим дўконимни
очолмай кўп сўммалаб.

Қайданам шум балобозга
дуч келибман бемаҳал,
Титки-питки қилди бағримни
кўзида бўмбалаб.

Лолман унга магар мен зулм
этмасам-да бир грамм,
Нега устимга жафолар
ёғдиродир тўнналаб?

Зораки шеър-тузоғимга
силовсиндек суқса бош,
Мўйловим ё бутоқ айлаб
ўтса қуддек қўнмалаб.

Унга бир танбеҳ берарга
шайману, лек қўрқаман,
Юродир тиғ тирноғини
эгов бирла йўнмалаб.

Учрашиб миршабга, Кулкул,
бошга ёр хавф солғонин
Арланиб айтсамми ёки
шартта лўнда-лўндалаб?

Тўйдаги зўр ғазал

Деманг тўйда келин зебо
ўтирғонлар оросинда,
Бўлак бир қиз биза шайдо
ўтирғонлар оросинда.

Куёвга биз куёвўрток,
келинга у келинсепчи,
Гулмиз ажиқ ичра гўё
ўтирғонлар оросинда.

Бири ўйнаб, бири эснаб, емас
авкот сатанг қизлар,
У қиз "хўр-хўр" ичар шўрво
ўтирғонлар оросинла.

Севдигимнинг қади шампон,
ёнида мен пепсикола,
Аканг шумшук, у таманно
ўтирғонлар оросинда.

Юзи бўличкаю лаби
хўрозқанд, гажжаги пашмак,
Ўзи тўқсон кило ҳолво
ўтирғонлар оросинда.

Ҳама жойда ҳама шоир ҳама
қизга ёқар, Кулкул,
Мени севгон умас танҳо
ўтирғонлар оросинда.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

РАССОМ ХАНДАСИ

Бир куни йўлда

1880 йилда Россиянинг "Свет и тень" журнали шундай воқеани ёзган эди: Виктор Гюго "Эрнан" сарлавҳали саҳна асарининг биринчи намойишидан кейин барча чарчоқларини чиқариб, бироз дам олиш ва толиққан кўнглига таскин бериш мақсадида Бретен ва Нормандия (Франциядаги ярим оролларга)га йўл олади...

Йўлда унинг ёнига ўзига зеб берган аллақандай бир жаноб ўтириб қолади. Суҳбат бошланиб кетади. Кутилмаганда у Виктор Гюгодан қаердан эканлигини сўраб қолади.

– Парижданман...

– Шундай қилиб, Парижданман, денг, – дея қизиқишини давом эттира бошлади судья (нотаниш одам судья эди) – унда сиз қанчадан-қанча шов-шувга сабаб бўлган "Эрнан" ҳақида эшитгандирсиз?

– Ҳа...

– Эҳтимол, сиз уни кўргандирсиз ҳам?

– Ҳа...

– Аҳмоқона бир нарса, тўғрими?

– Ҳа, – дея учинчи марта унинг сўзларини тасдиқлади Виктор Гюго.

– Ўша – Виктор Гюго деганлари жирканч бир инсон экан!

– Мен уни таниш шарафига муяссар эмасман.

– Яратганга шукрлар бўлсинки, мен ҳам билмайман... Яқинда бир ошнам уни Парижда кўриб қолибди...

– Шундайми?

– Яна қай аҳволда денг? Даҳшат! Уст-боши исқирт, ўзи эса ўлгудек маст эмиш.

– Ўтакетган аблаҳлик-ку!

– Ахир уни ичавериб ўлгудек маст ҳолга келадиган қаҳвахонадан тез-тез чала ўлик ҳолида олиб чиқиб кетишар экан-да...

– Наҳотки!..

– Дарвоқе, қабиҳ нарсалар ёзгандан кейин бу гапларга ажабланмаса ҳам бўлади...

– Тўғри айтасиз!

– Ана, кўрдингизми! Афтидан, ҳозирги бузуқчиликларга мос келадиган разилона асарларини ичкилик таъсири остида ёзар экан-да, ахир.

– Биз бунга эътироз билдиришимиз керак! – деди қовоғини солиб Виктор Гюго.

– Тўғри айтдингиз! Биз бунга қаршилик қиламиз! Эҳ, мен қандай бахтли инсонманки, Сиздек ажойиб бир киши билан учрашиб турибман. Қўлни ташланг-ей!

Шундан кейин Виктор Гюго шаънига турли олқишлар ёғилиб кетди.

Дилкаш суҳбат оғушида суҳбат давом этарди. Ниҳоят, сўнги бекатга етиб келинди. "Эрнан"нинг ашаддий душмани ўз ҳамроҳига шунчалик мафтун бўлиб қолган эдики, ундан ажралолмай, меҳмонхонагача эргашиб келаверди.

ЖАҲОН КУЛАДИ

Меҳмонхона хизматчилари кимликлари қайд этилувчи қалин дафтарни уларга тутқазишди. Биринчи бўлиб "Эрнан" муаллифи бамайлихотирлик билан "Виктор Гюго" деб имзо чекди-да, дафтарни янги дўсти томон сураркан, ёқимли табассум билан ручкани унга тутқазди.

У ёзувни ўқигач, тўсатдан турган ерида бир сакраб тушди, аввал оқариб кетди, кейин қизарди, тили калимага келмай, қўлдираб қолди ва бирдан қалтироқ тутди, ручкани қўлидан тушириб юборди-да, худди устидан қайноқ сув қуйиб юборилган мушукдек, чамадонини ола солиб кўчага отилди.

Бу манзарани, айниқса Виктор Гюгонинг ўзи ажойиб бир тарзда ҳикоя қилиб берар экан.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ таржимаси.

НИМТАБАССУМ

"Бу ернинг одамлари чучук сувга ювинишаркан, ё тавба..."

(Чучук сув танқис жойдан келин бўлиб тушган қизнинг суҳбатидан).

* * *

"Опам мактабда, синглим боғчада, онам ишда, дарвозанинг калити менинг чўнтагимда".

(Дарвозага қистирилган хатдан).

Қайнови ичида гаплар

* * *

"Ота! Сиз доим "лўлининг эшагини суғориб пулини ол", дердингиз. Ҳозир бир лўлининг эшакларига қараяпман. Лекин лўли менга ҳали сариқ чақа ҳам берган эмас".

(Шаҳарга иш излаб келган содда йигитнинг отасига йўллаган мактубидан).

* * *

"Қайнотам бугун ўғлининг сафарга кетганига неча кун бўлганини сўради. Билмасам, дедим. Аммо эримнинг уйда йўқлигига ўн беш кеча бўлди-ёв".

(Келиннинг дугоналари билан суҳбатидан).

* * *

"Ҳамма тухумсотарлар "менинг зўр", деб бақиришади. Аммо биронта мард хўрозни бир оғиз сўз билан алқаб қўйишни ёдига ҳам келтиришмайди".

(Бозордаги гурунгдан).

* * *

"Сизнинг ҳар бир сўзингиз касалнинг руҳиятини кўтарсин. Яъни сизни эшитиб доривор малҳам ичгандек яйрасин. Бироқ чўнтакларини кавлашиб, нарҳоз олгандек карахт бўлиб қолмасин".

(Бош шифокорнинг ходимларига танбеҳидан).

* * *

"Тоғу тошларда юриб, дилбар сатрлар битгим келади. Лекин бундай қилолмайман: тоғнинг йиртқич ҳайвонларидан қўрқаман".

(Дўлворгина шоир йигитнинг дўстига йўллаган мактубидан).

Х. ПАНЖИЕВ тайёрлади.

Мунажжимлар башорати (14 — 20 июн)

ҚЎЙ 21.3-20.4
Келаётган ҳафта сизга омад ваъда қилмоқда. Режалаштирган ишларингиз ўзингиз кутгандан ҳам аъло даражада самара беради. Талтайиб кетманг, шундагина бахт қуши бошингизни кўпроқ "безайди".

Эгизаклар 21.5-21.6
Ишларингиз ва молиявий аҳволингиз ҳозирча ёмон эмас. Узоқ муддатга мўлжалланган режаларингиз ҳам астасекин натижасини бера бошлайди. Фақат ҳаммагаям ишонавериш керак эмаслигини ҳамиша эсда тутинг.

Арслон 23.7-23.8
Ишхонангиздаги мураккаб вазият асабингизни ишдан чиқармасин. Зеро, келаётган ҳафтада буларнинг барчаси барҳам топади. Сиз яна ҳамманинг эътиборидаги шахсга айланасиз.

Тарози 24.9-23.10
Донолар "Янги тандир қурмай туриб, эскисини бузма" деганлар. Сиз ҳам эски ишларингизни ниҳоясига етказмай туриб янгисига қўл урманг. Охир-оқибатда на унисини, на бунисини бажара олмай, уялиб қолишингиз муқаррар.

Ўқотар 23.11-21.12
Исталган вазиятда ўзингизни қўлга ола билишингиз ҳаёт синовларидан мағрур ўтишингизнинг кафолатидир. Ҳеч қачон жараённи тезлаштиришга уринманг. "Секин юрсанг, узоққа борасан" деган гап бежиз айтилмаган.

Қовға 21.1-19.2
Рақобатли соҳаларда омадингизнинг келиши совуққонлик билан ҳаракат қила олишингизга боғлиқ. Бировни алдашга уринманг, оқибати сиз учун ҳайрли бўлмайди. Ҳалол кураш билан қозонилган ғалабағина узоқ вақт сақланади.

Бузоқ 21.4-20.5
Ҳужжатлар ва ахборотлар билан боғлиқ ишларда эҳтиёт бўлинг, ҳар қандай майда хато обрўйингизга доғ бўлиб тушиши мумкин. Мазкур ҳафта сизнинг келажагингизга пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Қисқичбақа 22.6-22.7
Ҳафта давомида "тоғни талқон қиласиз". Бу эса ўқиш ва иш жойингизда мавқеингиз яхшиланишига туртки беради. Ҳар қандай муаммонинг ечимини топишда қатъиятлик кўрсатишингиз билан теваракатрофдагиларнинг олқишига сазовор бўласиз.

Паризод 24.8-23.9
Пул ва молия соҳасидаги турли олдисотдилар учун ноқулай ҳафта. Таваккалчиликка қўл уришдан сақланинг. "Ё чикка, ё пукка" ақидаси бу ҳафта сизга наф келтирмайди. Ҳафта давомида "етти ўлчаб бир кес" мақолига амал қилинг.

Чаён 24.10-22.11
Ҳафтанинг биринчи ярмида "Ишон, аммо текшириб кўр" шиорига амал қилсангиз барча ишларингиз самарали якунланади. Ва табиийки, молиявий соҳаларда ҳам омад отингиз чопа бошлайди.

Тоғ эчкиси 22.12-20.1
Келгуси ҳафта сиз учун осойишталикни ваъда қилаётир. Хушёрликни бой берманг. Ҳозирги осойишталик "довул" арафасидаги вазият ҳам бўлиши мумкин.

Балиқ 20.2-20.3
Агар ишларингиз орқага кетса, дарров тушкунликка тушиб қолманг. Интилишда давом этсангиз, бахт қуши сизнинг бошингизга ҳам "соя" солиб ўтади.

Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари олдидан

Се ЛИНЪОНЬ

Умрнинг уфқи

Юрагимда қайғу
уйқум келмайди.
Уйқу ҳам қуволмас
ғамимни ҳаргиз!
Ойнинг ёғдусида
қор ялтирайди,
Совуқ шамол эсар
ёввойи, ёвуз.
Вақт жуда тез ўтар –
кутмайди, асло,
Умримнинг уфқига
ботаман аста...

Се ТЯО

Шаҳзода саёҳати

Яйловлар ям-яшил
ипак кийдилар,
Дарахтлар шохига
қизил гул тақди.
"Нега келмадинг?" – деб
ёримга айтманг,
У келгунча боғнинг
зийнати қолмас.

Хэ СЮНЬ

Боғда

Дарвозалар қушдек
қанот қоқади,
Тинимсиз ғийқиллаб
куйлар даричалар.
Тошйўлда тақиллар
нозик бошмоқлар,
Бомбукзорда яшнар
ипак либослар.

Шэнь ЮЭ

Балиқ ови

Гул ортилган қайиқда
гулдек жонон икковлон,
Олисга сузиб кетдик,
дарё тўлқини – илон...
Нилуфар илдизига
қармоқ илиниб қолди,
Ёввойи ўрдакларни
биз чўчитиб юбордик.
Оҳиста қош қорайди,
кучди мени жонона –
Икков муродга етдик
балиқ ови баҳона.

Турсун АЛИ таржимаси.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси касбий педагогика факультети декани, доцент Х.Ҳаитбоевга волидаи муҳтарамаси **Маннон ая ЖЎРАБОЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

сканворд



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари –133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Қ.НОРҚОБИЛОВ, Д.УЛУҒМУРОДОВ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 -рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-720, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -10440

Газета тахририятнинг компьютерида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

12345

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com